



№32-34 (885-887)
2025 йил 18 апрель,
жума

O'ZBEKISTON
BUNYODKORLIGI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook.com/uzbunyodkor telegram.com/uzbunyodkor instagram.com/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.



18
АПРЕЛЬ

Уй-жой коммунал
хизмат кўрсатиш
соҳаси ходимлари
куни



Ўзбекистон
Республикасининг
“Ўзбекистон
Республикаси
уй-жой коммунал
хизмат кўрсатиш
соҳаси ходимлари
кунини белгилаш
тўғрисида”ги
Қонунига мувофиқ,
18 апрель
Ўзбекистон
Республикаси
уй-жой коммунал
хизмат
кўрсатиш соҳаси
ходимлари куни
этиб белгиланган.

Газетанинг
бугунги сонидида
ушбу санага
бағишланган
мақолалар билан
танишишингиз
мумкин.

ҲАР БИР ОИЛАДАГИ ФАРОВОНЛИК коммунал соҳа ходимларининг маҳорати ва масъулиятига боғлиқ

Шерзод ҲИДОЯТОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири.

Азалдан меҳнаткаш, танти ва мард инсонлар юрти бўлган Ўзбекистонда бугунги кунда ҳам аждодларга муносиб давомчилар етишиб чиқмоқда. Уларнинг илму заковати, билим ва маҳорати туфайли миллий ҳамда замонавий архитектура қиёфасини ўзида мужассам этган муҳташам иншоотлар кўплаб барпо этиляпти. Шинам ва замонавий турар жойлар, кўркем мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, барча қулайликларга эга тиббиёт муассасалари, истироҳат боғларию спорт иншоотлари халқимиз хизматида.

Ўз ўрнида, ушбу иншоотларнинг кўп йиллар давомида аҳолига муносиб хизмат кўрсатишини таъминлаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада юртимизда сўнгги йилларда кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, аҳолига, халқимизга қулайлик яратиш баробарида, уларнинг ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини таъминлашдек муҳим ва масъулиятли вазифа айнан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари зиммасига юклатилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда 43 471 та кўп квартиралар уй мавжуд бўлиб, ушбу уйлардаги 1 млн 485 мингдан зиёд хонадонда 7 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 40 мингта уйга 851 та бошқарувчи ташкилот, 1 111 тасига эса 166 та уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Ҳозирги кунга келиб, юртимиздаги мавжуд кўп қаватли уйларнинг 92 фоизига бошқарув ташкилотлари хизмат кўрсатмоқда. Бу, аynи йўналишдаги ислохотларимизнинг самарасини

ҳам кўрсатиб турибди. Бошқарув компаниялари ҳозирга қадар уйларни таъмирлаш, ҳудудларнинг инфра-тузилмасини яхшилаш, моддий-техник базасини шакллантиришга ўз ҳисобидан инвестиция маблағларини киритишди.

Соҳа ривожига малакали кадрлар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан ҳамда маълумотлари очик тарада юритилмоқда. Шунингдек, мулкдорлар учун қулайликлар яратиш мақсадида биллинг тизимининг мобил ҳамда веб-сайт версиялари яратилди, бунда шахсий кабинетда “Ягона миқоз” тамойили асосида мулкдор ЖШШИРдан фойдаланган ҳолда барча коммунал тўловлардан балансини кўра олиш ҳамда тўлов қилиш имкониятига эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда марказлашган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олинганлик даражасини ошириш ҳамда шу тарихда аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти.

Шунингдек, 1 270 нафар бошқарувчи ташкилот ишчи-ҳодимлари “Коммунал таъминот маркази” ҳамда ҳудудлардаги “Ишга марҳамат” мономарказларида ўз йўналишлари бўйича ўқитилиб, тегишли сертификатга эга бўлишди.

Бошқарув сервис компаниялари томонидан амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, 2017 – 2024 йиллар давомида жами 44 648 та кўп квартиралар уйда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилган. 2024 йил давомида эса республика бўйича 5 409 та кўп квартиралар уйларда 134 миллиард сўм маблағ ҳисобидан таъмирлаш ва янгиллаш ишлари бажарилган. Бундан ташқари, қўшимча дастур доирасида республика бўйича 4 440 та кўп квартиралар уйда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги 376-сон қарорига асосан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳозирга қадар 517 та лифт янгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Республикадаги кўп квартиралар уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгиллашда белгиланган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги

қарорига асосан, 2025 йилда республикада 510 та лифтни янгиллаш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 2023-2024 йилларда фойдаланишга топширилган 3 487 та уйнинг том қисмига жами қуввати 44 минг кВт қуёш панеллари ўрнатилгани ҳам соҳада катта ютуқ ҳисобланади. Шу билан бирга, 2023 йилда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 6 та уйни базальт қопламаси билан қоплаш бўйича тажриба ўтказилди. 2030 йилгача бўлган даврда республикадаги 2016 йилгача қурилган уйларни энергетик санация қилиш, яъни энергия йўқотилишини камида 50 фоизга қисқартириш бўйича дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Дастур лойиҳасига кўра, 2030 йилгача 14 мингдан ортиқ уйни энергетик санация қилиш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йил 29 март кўни ўтказилган йиғилишда 2024 йилда 39 мингта кўп квартиралар уйга хизмат кўрсатувчи 811 та бошқарув компанияси томонидан уйлар атрофида камида 40-50 тупдан жами 2 миллион туп қўчат экилишини таъминлаш топшириғи берилган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, 2024 йил баҳор-кўз мавсумида “Бир болага бир дарахт” шиори остида

республика бўйича кўп квартиралар уйлар ҳудудларида 2 миллион 30 мингта қўчат экилди. 2025 йил баҳор-кўз мавсумида ҳам республика бўйлаб 365 минг дон дарахт ва қўчат экилиши белгилаб олинди.

Бугунги кунда кўп квартиралар уйларни бошқарувчи бошқарув органларнинг электрон реестри <https://reestr.kommunal.uz/> платформаси ишга туширилиб, бошқарув органларининг бошқарувида бўлган кўп квартиралар уйлар рўйхати ҳамда маълумотлари очик тарада юритилмоқда. Шунингдек, мулкдорлар учун қулайликлар яратиш мақсадида биллинг тизимининг мобил ҳамда веб-сайт версиялари яратилди, бунда шахсий кабинетда “Ягона миқоз” тамойили асосида мулкдор ЖШШИРдан фойдаланган ҳолда барча коммунал тўловлардан балансини кўра олиш ҳамда тўлов қилиш имкониятига эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда марказлашган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олинганлик даражасини ошириш ҳамда шу тарихда аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти.

◀ 1-бет

ҲАР БИР ОИЛАДАГИ ФАРОВОНЛИК

коммунал соҳа ходимларининг маҳорати
ва масъулиятига боғлиқ



Хусусан, сўнгги 8 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга бюджет ва халқаро молия институтларининг жами 27,5 триллион сўмга яқин маблағи йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 3 627 та ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш, 40,6 минг километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортилди. Натижада республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 63,0 фоиздан 80,9 фоизга етказилди.

Жорий йилда 1 минг 619 километр ичимлик суви, 521 километр оқова суви тармоқларини тортиш, тизимдаги 162 та иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Натижада 715 минг аҳолига илк бор тоза ичимлик суви етиб боради, 135 минг хонадон оқова тармоғига уланади, 157 минг истеъмолчига замонавий ҳисоблагич ўрнатилади. Бу орқали аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 82,8 фоизга етказилади.

Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислох қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги ПҚ-100-сон қарори имзоланди. Унга қўра, Иссиқлик таъминоти соҳасида Ягона давлат сиёсатини юритувчи этиб – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигини белгилаш, мувофиқлаштирувчи этиб – “Иссиқликтаъминоти” АЖ ташкил этиш, жамият устав капиталда 23 та иссиқлик корхонасини МЧЖ шаклида қайта ташкил этиш каби қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, иссиқлик таъминоти соҳасида кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, барча дастурлар доирасида 98 та лойиха амалга оширилди, 80 дан ортиқ марказий ва

маҳаллий қозонхона ҳамда 320 километр узунликдаги иссиқлик қувурлари модернизация қилинди. Бунинг натижасида 2 354 та кўп қаватли уй ва 261 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланди.

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда рақамлаштириш барча иқтисодиёт тармоқларига кириб келмоқда. Коммунал соҳа ҳам бундан мустасно эмас. Иссиқлик таъминоти соҳасида ҳам ахборот-коммуникация технологиялари самарали жорий этилиб, соҳада “Иссиқлик таъминоти биллинги” тизими жорий этилди.

Тизимни ишга туширишдан мақсад, jisмоний ва юридик ташкилотларга хизматлар учун тўловларни онлайн тарзда масофадан амалга ошириш имкониятларини яратиш, бунда тўловларни турли мобил иловалар (банк ва электрон тўлов тизимлари, телеграм бот ва бошқалар) орқали йўлга қўйиш, амалга ошириш ва уни назорат қилган ҳолда истеъмолчиларга қулайлик яратиш ҳамда тизимда очиқлик, шаффофликни таъминлашдан иборат.

Жорий йилда республика бюджети маблағлари ҳисобидан иссиқлик таъминоти объектиларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 500 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бунда иссиқлик таъминоти корхоналарининг 8 та қозонхона ва 80 километр иссиқлик тармоқларида қурилиш ҳамда

“Янги Ўзбекистон” массивларида барпо этилаётган кўп квартирали уйларни иссиқлик таъминоти билан таъминлаш мақсадида, жорий йилда 10 та ҳудудда 30 та қозонларни ўрнатиш ҳамда **25,3 километр** иссиқлик тармоқлари тортиш орқали **208** та кўп квартирали уйлар ва **21** та ижтимоий соҳа объектилар марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминланади.

модернизация ишларини амалга ошириш орқали 10 та ҳудуддаги 413 та кўп қаватли уй ва 42 та ижтимоий соҳа объектининг иссиқлик энергияси таъминотини яхшилаш режалаштирилган.

Жорий йилда белгиланган ишларни амалга оширилиши натижасида 51,1 млн куб метр табиий газ иқтисодиғи эришилди.

Бундан ташқари, “Янги Ўзбекистон” массивларида барпо этилаётган кўп квартирали уйларни иссиқлик таъминоти билан таъминлаш мақсадида, жорий йилда 10 та ҳудудда 30 та қозонларни ўрнатиш ҳамда 25,3 километр иссиқлик тармоқлари тортиш орқали 208 та кўп квартирали уйлар ва 21 та ижтимоий соҳа объектилар марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминланади.

Қувонарлиси, юқорида таъкидланган ютуқларга сиз, фидойи коммунал соҳа ходимлари билан биргаликда эришдик! Олдимизда эса янада катта ва эзгу мақсадлар турибди. Уларни ҳам кўнгилдагидек адо этишда барчамиздан фидокорлик талаб этилади. Зеро, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун коммунал хизмат кўрсатиш объектилари соз, хизмат кўрсатиш сифати эса юқори бўлиши зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, 18 апрель – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан барчангизни чин қалбимдан табриқлайман! Олдимизда турган долзарб тизимли ислохотларни бирдамликда амалга оширишда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, шижоат, оилавий бахт-саодат тилайман!

Ишда сифатга алоҳида эътибор қаратилляпти



Баҳодир НЕГМАТОВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Вилоятимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Самарқанд шаҳрида кўп қаватли уйлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли улар қаторига янгилари қўшиляпти. Бир пайтлар “домлар” асосан тўрт, беш ва тўққиз қаватдан иборат бўлганини шаҳар аҳолиси яхши билади. Энди эса барпо этилаётган иморатларнинг аксари осмонўпар бинолар эканлиги билан аҳамиятлидир.

Нега шундай? Шаҳар ва қиш-локларимизда илгари бундай ҳажмдаги бинолар деярли кўзга ташланмас эди. Энди эса оммавий равишда қурила бошланди.

Аввало, бу – давр талаби. Ривожланиш, тараққиёт туфайли шундай ишларга қўл урилмоқда. Асосийси, ана шу интилиш сабаб аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилиняпти. Бунёдкорлик ишларида шаҳарсозликнинг барча қонун-қоидаларига тўла амал қилинаётгани эса қувонарлидир.

Айтиш кераки, шаҳар ва унинг атрофида осмонўпар биноларнинг кўпайиши ҳудудларимизга кўрк берибгина қолмай, бундай уйларда яшаётганларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун керакли шароитлар яратилляпти. Коммунал хизмат ходимларининг зиммасидаги масъулият эса тобора ошиб бораётир. Негаки, тўққиз қаватли уй билан ўн олти ёки йигирма беш қаватли уйлар ўртасида фарқ катта.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 99 790 та хонадондан иборат 2650 дан ортиқ кўп қаватли уйлар мавжуд. Бу уйларда яшовчи аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, улар учун қўлай турмуш шароити яратишда коммунал хўжалиги ташкилотларининг муносиб ўрни бор. Нафакат ўрни бор, бу борада уларнинг зиммасидаги масъулият ҳам улкан.

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги бошқа соҳалар каби уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими ҳам тубдан такомиллашди. Аҳолига сифатли ва замон талабларига мос хизмат кўрсатиш давр талабига айланган. Аввало, уй-жой коммунал хўжалиги бошқарув ва бўлимлари ташкил этилди. Дастлаб ширкатлар ўрнида бошқарув сервис компаниялари тузилди. Бу борада қисқа вақтда эътиборли ишлар амалга оширилди. Аммо ҳали соҳадаги режалаштирилган ишлар ниҳоясига етказилди, дегани эмас. Улар ҳозир ҳам жадаллик билан давом эттирилляпти. Бу жараёндаги дастлабки ҳаракатлар ва уринишларнинг самара бераётгани эса айни ҳақиқат.

Вилоятимизда бугунги кунда 54 та бошқарув сервис компанияси ва 6 та ширкат томонидан кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг самарали ишлаши учун давлатимиз томонидан бир қатор имкониятлар яратилиши ва имтиёзлар берилиши моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, сервис хизмати сифатини оширишга катта ёрдам берапти. Мисол учун, Самарқанд шаҳридаги 58 та уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувида бўлган кўп қаватли уйлар “Биотехсервис” бошқарув сервис компаниясига ўтказилган эди. Янгича услубда иш юритилиши тезда ўз самарасини кўрсатди. Ҳозир ушбу ташкилот томонидан шаҳардаги маъмур компанияга қарашли 17 та уйнинг 42 та лифт ускунаси янгисига алмаштирилди. Уйлардаги бошқа таъмирлаш ишлари ҳам давом этмоқда. Асосийси, ҳар бир ишда сифатга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Кўп қаватли уйларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳақида гап кетганда, ҳозир туманлардаги ўтган асрда қурилган икки ва уч қаватли уйларда қатор муаммолар борлигини таъкидлаш керак. Бу уйларнинг аксариятида ички коммуникация тизимлари муддатини ўтаб бўлган. Уларни янгилаш зарурати туғилмоқда. Қолаверса, бу уй-жойлар бутун қурилаётган кўп қаватли уйлар олдида анча кўрimsиз бўлиб қолмоқда. Энг асосийси, бундай уй-жойлар аҳолининг талабларига жавоб бермаяпти. Бу ҳолатда улардан фойдаланиш анча ноқулай. Кўрimsизлиги бир тараф бўлса, эскириб бораётгани анчагина ноқулайликларни келтириб чиқаради. Шу сабаб, хонадон эгалари билан келишган ҳолда эскириб кетган бундай уйларни таъмирлашни ёки реновация дастури доирасида янги бинолар қуришни йўлга қўйиш асосий мақсадимизга айланган. Ҳозирда айрим жойларда эса таъмирлаш ишларига киришдик.

Айни пайтда вилоятда 2 та 25 қаватли, 94 та 16 қаватли, 9 та 14 қаватли, 115 та 9 қаватли, 762 та 5 қаватли, 708 та 4 қаватли ва 725 та 3 қаватли уй мавжуд. Уларнинг ҳолатини бир хил деб бўлмайди. Бири янги, иккинчиси эски, қаровсиз ҳолатда келиб қолаётганлари ҳам бор...

Кўп қаватли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш бугун БСКлар зиммасида. Бошқарув сервис компаниялари томонидан бугунгача 8446 миллион сўм эвазига мавжуд уйларнинг 559 таси таъмирланди. Уларнинг том қисми, кириш йўлаклари, электр шитлари, кодли қулфлари, ертўвалари, ички муҳандислик тармоғи, фасад қисми таъмирланиб, кўркам киефага кирди. Шу билан биргаликда, кўп қаватли уйлар олдидаги ирригация тармоқларининг доимий ҳол ҳолатда бўлиши коммунал хизмат ходимларининг эътиборидан четда қолмаяпти. Болалар ўйин майдончаларини жиҳозлаш, ўйин қурилмаларининг ишлаб туриши, зарур ҳолатларда уларни таъмирлаш болажонларимизнинг соғлом ўсишлари, ривожланишларида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан, бу соҳадаги бажариладиган юмушлар ҳам профессионал бошқарув сервис хизмати ходимлари назаридан қочиб қуттилмайди.

Бошқа тизимлардаги каби БСКларда ҳам амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қўлами маблагга келиб тақалади. Ўтган йили қишлоқларда кўп қаватли уйлар таъмири учун 7917 миллион сўм ажратилган. Бу ҳазилакам маблағ эмас.

Демак, давлатимиз томонидан соҳа ривожига жиддий эътибор қаратилляпти. Олдинда эса, соҳа ходимларини катта масъулият ва меҳнат жараёни кутиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни бугунги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари куни билан табриқлаймиз.

“ИНСОНЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙМИЗ”

ПБК “Feniks Art Servis” МЧЖ жамоасининг шиори ана шундай



Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хар ким ҳаётга ўз нигоҳи билан боқади. Баъзилар бу дунёни яхшиликка тўла, меҳрга бой деб билса, бошқалар унинг қоронғу бурчакларида ёмонлик кўпроқ, деган фикрда. Дўстим билан суҳбатда айнан шу мавзуда баҳсга киришиб қолдик. У одамлар орасида ёмонлик кўп, деса, мен эса – яхшилар барибир кўпроқ, деган қатъий фикрда туриб олдим. Чунки ҳар кун кўзимиздан панада, жамоатчилик эътиборидан четда қолаётган, бироқ чин дилдан хизмат қилаётган инсонлар борлигини биламан. Ана шундай фидойи, тиришқоқ ва ўз ишига виждонан ёндашадиган инсонлар орамызда кўп. Улар ҳақида мақола ёзиш, фаолияти билан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш бизнинг бурчимиздир. Бугун сизни ана шундай инсонлардан бири билан таништирамоқчимиз – Артём Секинаев ва унинг меҳнаткаш жамоаси.



Узоқ йиллардан буён коммунал соҳа деган машаққатли, аммо шарафли меҳнат майдонида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган Артём Секинаев – ўз касбига садоқатли, халқ фаровонлиги йўлида тинмай изланадиган инсонлардан биридир. У бу йўлда кўпни кўрди, кўп нарсани ўрганди. Хар бир қадамини ўз меҳнати билан мустақамлаб, соҳанинг энг олдий бўғинидан бошлаб, бугунги кунда юртимизда обрў-этибор қозонган ПБК “Feniks Art Servis” МЧЖнинг раҳбарлигига етиб келди. Бу нафақат меҳнат ва ҳақиқий раҳбарлик салоҳиятининг намунасидир. Артём Секинаев йиллар давомида жамятнинг энг зарур соҳаларидан бири – коммунал хизматлар тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга, инсонлар ҳаётини энгиллаштиришга ҳисса қўшиб келмоқда. У раҳбарлик қилаётган компания бутун нафақат хизмат сифати,

балки ўзининг ижтимоий масъулияти билан ҳам ажралиб туради. Биз эса, ёзган бир парча матнимиз орқали бўлса-да, самимий ва жонкуяр инсонлар ҳаёти ҳамда фаолиятини ёритишдек шарафли ва масъулиятли вазифага бош қўшганимиздан мамнунмиз. Бу – нафақат ижодий иш, балки виждон олдидagi қарздорлик, эл-юртга фойдаси тетаётган инсонларни эътироф этиш йўлидаги кичик, аммо аҳамиятли қадамлардандир.

Айнан мана шундай астойдил меҳнат қилаётган, ўз вазифасини виждонан адо этаётган замонамиз қаҳрамонлари жамятимизнинг ҳақиқий таянчидир. Улар кўп, фақат уларни кўра билиш, қадрлаш ва энг муҳими улар ҳақида ёзишни унутмаслик керак. Чунки чин меҳнатни тан олиш, эътироф этиш инсонийлик ва самимийлик ифодасидир.

Юксак гошлар билан яшашни ўзига ҳаёт мезони қилиб олган Артём Се-

кинаев 1991 йил 4 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топан. Ростгүй, дангалчи феъл-атвори билан ёшлигиданоқ ажралиб турган Артём болалигидан ҳақиқатни ёқлашга, муаммолардан қочмасликка одатланган. Айнан шундай принципиаллик уни ҳаётда кўп синовлар орқали пиштирди.

Тошкент политехника университетининг Авиация факультетида тахсил олган Артём ўқш йилларида ҳаракатчанлиги ва устозларга хурмати билан эсда қолган. Олийгоҳни тутатиб, аэропортда иш бошлаган. Аммо тақдир уни қутилмаганда буткул бошқа йўлга – коммунал соҳа томон бошлади. Йиллар давомида ёмғирли кунларда ўзи яшаган кўп қаватли уйнинг томидан чакки ўтгани сабабли уйнинг таъмири учун муурожаат қилади, бироқ ширкатдан ҳеч қандай ижобий ҳаракат кузатишмайди. Айнан шу муаммо уни фаолиликка ундади. Қўшнилари билан биргаликда пул йиғиб, ўз уйи таъмири учун ширкатга топширди. Аммо яна натижа бўлмади. Пуллар йўқ, иш бажарилмаган, жавоб эса қуруқ ваъдалардан нарига ўтмади. Шунда ҳам Артём ортта чекинмади. Ҳокимиятга муурожаат қилди. Ниҳоят, таъмир амалга ошди. Одамлар ундан миннатдор бўлиб, уйни бошқаришни илтимос қилишди. Қўни-қўшнилар илтимоси ерда қолмади. У аэропортдаги ишини ташлаб, диққатни янги соҳага қаратди. Аввалига фақат биргина уй, кейинчалик эса бошқа кўп қаватли уйлар ҳам ўз ихтиёри билан унинг бошқарувида ўтди. Дастлаб унга узоққа бормайди, дейишган бўлса-да, орадан кўп ўтмай у фаолияти, ҳалоллиги ва масъулиятли ёндашуви билан аҳоли орасида хурмат қозонди.

2015 йилда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида ташкил этилган ПБК “Feniks Art Servis” МЧЖ ҳозирга келиб 158 та кўп қаватли уйга, 20 мингдан ортқ аҳолига хизмат кўрсатади. Моддий-техника базаси ҳам, ишчилар сони ҳам етарли даражада. Бу йил компаниянинг 10 йиллик юбилеи. Қувонарли томони, “Feniks Art Servis” жамоаси жорий йил илк бор ташкил қилинган “Энг яхши бошқарув органи” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киришти, танловнинг Республика босқичи иштирокчиси бўлди. Бутун – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳодимлари кунги ўтказиладиган тантаналарда Республика босқичи ғолиблари аниқланади. Биз уларга омад тилаймиз. Тўй-тўйга уланиб кетса, ажаб эмас. Зеро, жамоанинг қилган меҳнати ва фидойилиги бунга арзийди. Бу жамоанинг яна бир аъзоси борки, компаниянинг пайдо бўлганидан то бугунга қадар Артём Секинаев билан ёнма-ён туриб хизмат қилиб келмоқда.



“БАРЧА ГУЛЛАРДАН АЪЛО РАЪНО...”

Сарлавҳамизда таниқли санъаткор, Ботир Зокиров ижросидаги “Раъно” кўшиғи парчасидан фойдаландик. Бежизга эмас. Раъно опа ростан ҳам шундай инсон. Ўзини таъкидлашни, кимгадир кўз-кўз бўлишни ёқтиравермайди. Ҳоли-жонига қўймай озгина суҳбатлашишга кўндирдик. У киши ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Раъно Турғунова 1973 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топан. Илк мутахассислигига кўра рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, иккинчи мутахассислигини Тошкент молия институтида таомлаган. Меҳнат карьераси давомида банкда, божхона органида, турли ташкилотларда фаолият олиб борган. Бутун оиласи уни жиддий киефада, давлат органларида юқори поғоналарга илдамлашини кутган бир пайтда тақдирнинг чакирғи умуиан қутилмаган тус олади. Артём Секинаевнинг топқирлиғи, ажирлиғи Раъно опани коммунал соҳага етаклаб келди. Ҳазил-ҳазил билан бошланган ишлар бугун соҳада ўз ўрнига эга компания пайдо бўлишига сабаб бўлди. Хен нарс шунчаки амалга ошмади. Қанчалаб қийин кунлар, асаб-бузилишлар, муаммолар ҳисобига ҳулосалар ва тажрибалар ошиб борди.

Нуфузли ташкилотларда фаолият олиб бориб, хар дақиқа кетиб қолмишга имконияти бўла туриб, 10 йилки бир жамоада ишлаш, энг оғир соҳалардан биринда иш олиб бориш нега керак бўлди, деб ўйларсиз. Сабаби олдий – садоқат ва инсонийлик. Фарзандидек бўлиб қолган компанияни, энг яқин жигар-ғўшасига айланиб қолган жамоани, энг муҳими, хотираларини орқада қолдириб кетиш осон иш эмас. Яқинларини қийин вазиятларда ёлғизлатиб қўймайдиган инсонлар кам топилади. Компаниянинг ривожланишида, ички муҳит барқарорлигида Раъно опанинг ўрни катта. Жамоанинг онасидек бўлиб қолган, десак ҳам муболага бўлмайди.



кўрсаткичига эга. Диққат қаратсангиз, ишнинг ташкил қилиниши, ҳодимларнинг ўз ишини севиб бажариши жамоани ўзлари учун ҳам, ўзгалар учун ҳам азиз қилган дейишимиз мумкин. Раъно Турғунованинг ўзи соҳага кириб келиши ва ундаги таассуротларини қуйдагича ифодалаб ўтди:

– Бошида бу соҳада 10 йил давомида ишлашимни айтишганида ишонмаган бўлардим. Аввалига, бу ердаги ишни Артёмга ёрдам бериб тураман деган ҳаёлда вақтинчалик жараёндек кўрганман. Лекин ризку насибам коммунал соҳа билан боғланган экан. Гарчи

уйдагиларим ҳаёл қилгани каби қайсидир орган ҳодими бўлмагандирман, аммо ҳозирги касбим орқали инсонлар меҳрига кўпроқ сазовор бўлдим, деб ўйлайман. Аслида, қаерда ишлаш ҳам унчалик муҳим эмас, муҳими сизнинг ишингизга муносабатингиз ва масъулият ҳиссингиз. Агар сизда ушбу жиҳатлар бўлса, хар қандай соҳада етакчи инсонга айланасиз. Айтиш мумкин бўлган нарса кўп. Аммо баъзи нарсаларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Лўнда қилиб айтганда, коммунал соҳани яхши кўраман. Иш қайноқ, коммуникативлик кучли. Инсонларнинг меҳрига ҳам, қаҳрига ҳам яқин турасиз. Элнинг қорига яраганингизда эса суийнинг кетасиз, “яхшиям сизлар борсиз” дейишганда ўзингизда йўқ хурсандчилик туясиз. Эртага нима бўлишини билб бўлмайди. Бутун эса бахтлиман. Бу соҳада ишлаган ҳаммага сабр ва матонат тилайман.

Дарҳақиқат, инсон ўз касбини сева-маса, унда юксалиши амри маҳол. Раъно опа ҳам ўз ишидан ҳузур топанлардан. Донулар айтганидек, аслида мазмун катта ишларни қилишда эмас, кичик ишларни ҳам катта муҳаббат билан қилишдадир. Қаҳрамонимизга ҳам келажакда улкан муваффақиятлар тилаймиз, учратгани бахт ва омад бўлсин. Фурсатдан фойдаланиб барча коммунал соҳа ҳодимларини ПБК “Feniks Art Servis” МЧЖ жамоаси номидан муборакбод этамыз. Оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва бардамлик тилаймиз!

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Зиё СИРОЖ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун қай бир соҳага разм солманг, опа-сингилларимиз фаолиятига кўзингиз тушади. Бунинг афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Зеро, мутахассисларнинг маълум қилишларича, уларнинг фаолияти жамиятни барқарор ва ривожланган ҳолда сақлашга хизмат қилади.

“Андижон сув таъминоти” АЖда ҳам юзлаб хотин-қизлар самарали меҳнат қилиб келмоқда. Улар соҳанинг турли йўналишларида фаолият юритиб, ҳудудларни сувлаштириш, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишда фаол иштирок этмоқда. Умидаҳон Қаримохунова ана шундай ходималардан бири. У ўз касбининг устаси эканлиги, зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этиши, ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиши, энг муҳими, истеъмолчилар ҳурматини қозонгани билан бошқаларга намуна бўлиб келмоқда.

– Корхонамизнинг мижозлар билан ишлаш бўлими хисобчиси Умидаҳон Қаримохунова зиммасидаги ҳар бир вазифага масъулият билан ёндошади, – деди жамият директори Дилшодбек Қўлдашев. – Истеъмолчилар билан ишлашга доир барча амалиётларда касбдошларига ибрат

бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, ёш ходимларга касб сирларини ўргатишда ўзининг тажриба мактабини яратган. Умидаҳон ушбу жамиятда иш бошлаганига салкам ўттиз йил бўлди. Дастлаб, Муҳаббатхон Ҳолиқова, Саноатхон Аҳмедовалардан касбга доир қўникмаларни ўзлаштирди. – У пайтлари иш юритиш бошқача эди, – деди Умидаҳон биз билан суҳбатда. – Барча ҳисоб-китоблар қўлда амалга оширилар ва қўғозларга қайд этиб борилар эди. Қандайдир сабаб билан битта дафтар йўқолиб қолса ёки тўлов варақасига шикаст етса, истеъмолчи манфаати бузилишига сабаб бўларди. Ҳозир эса ҳаммаси бошқача! Барча амаллар компьютер ёрдамида олиб боришмоқда. Дастурлар фаолиятимизни тартибга солиш, шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда иш унумининг ортишига ҳам сабаб бўляпти.



Қаҳрамонимиз хонасидан истеъмолчилар аримаиди. Тан олиш керак, уларнинг ҳаммаси ҳам яхши кайфиятда келмайди. Кимдир тўлов бўйича ҳаракатлардаги тушунмовчиликдан асабийлашса, бошқаси қарздорликни сўндиришга доир муаммо бўйича арз қилади. Афсуски, ўзаро ҳурмат доирасидан ташқарига чиқиб кетадиган ҳолатлар кўп бўлади.

– Ана шундай пайтларда сув таъминоти идораси ходими масалага оғир-вазминлик билан ёндошиши керак, – деди Умидаҳон суҳбат давомида. – Боиси, мурожаат қилувчи шу идора ходимларига суҳбатлашаётган ходими мисолида баҳо беради. Яхши муомала қилсангиз, бу, қорхона имижини ҳам кўтарadi. Асабийлашиб, кўрс суҳбатлаш-сак, ишхонамизни об-рўсизлантириб қўйишимиз мумкин. Бу мижозларнинг кўнгилдан, ишончидан қолишга сабаб бўлади. Тўғри, ҳар доим ҳам истеъмолчи ҳақ бўлавермайди ва улар асабийлашган ҳолда бўлиши мумкин. Бироқ, сув таъминоти идораси ходими кайфияти қандай бўлишидан қатъи назар, ҳушмуомалалик билан тўғри ҳисоб-китоб юритиши даркор. Унга бу вазифа шунинг учун ишониб топширилган.

– Истеъмолчи идора ходимларининг ҳар бири турли вазифани амалга оширишини билмайди, – деди Андижон шаҳридаги Абдурауф Фитрат кўчасида яшовчи Ойдиной Ахмадалиева. – Шу боис, ўзимиз хоҳлаган савол билан уларга мурожаат қилишимиз мумкин. Тан олиш керак, айрим ходимлар бу масалага совуққонлик билан ёндошадилар. Бироқ, Умидаҳон Қаримохунова қайси савол билан айнанимга юзланиш юзасидан тўғри йўлланма бера олади. Қолаверса, саволларимизга эринмай, бафуржа жавоб беради.

Бугун республикамызда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар кўлами янада ортди. Бунинг натижасида Андижон вилоятининг сувланганлик даражаси 92 фоизга етди. Бу пойтахтимиздан кейинги иккинчи ўрин эканлигини инобатга оладиган бўлсак, катта кўрсаткич эканлигига амин бўламиз. Бу каби натижага эришиш осон бўлаётгани йўқ, албатта! Умидаҳон Қаримохунова ана шундай машаққатли ва масъулиятли вазифада бой тажрибаси билан фаол иштирок этиб келаётгани бошқа ҳам-касбларига ҳам ўрнакдир.



“Зарафшон” БСК бошқаларга ибрат бўлмоқда

Абдусамі ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсонларга наф келтириш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш халқимизга хос бўлган хислатлардан бири саналади. Ислохотлар ўтаётган жараёнда фуқароларимизга муносиб шароитларни яратиш ва улар дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан умр кечиришлари учун барчаси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.



Интилувчан инсоннинг мақсади аниқ ва нияти пок бўлса, ҳар қандай ишни уddалаб кетаркан. Бухоро шаҳрида БСКлар фаолияти йўлга қўйилиши аввалида кўп қаватли квартираларда яшаётганларга компаниялар фаолиятининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, хизматлар кўрсатиш тартиби аҳолининг таклифлари асосида амалга оширилиши мумкинлиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бироқ, барибир одамларда янгиликка нисбатан хайрихоҳлик ҳали анча суст эди. Шундай вазиятда Мадина Гулиева биринчилардан бўлиб 43 та кўп қаватли турар жойларни ўзида бирилаштирган масъулиятчи чекланган жамият кўринишидаги “Зарафшон” бошқарув сервис компаниясини ташкил қилди.

Мадинанинг oilаси Озарбайжоннинг Мир-башриқ туманидан кўчиб келишганда у анча ёш эди. Оила бошлиқлари Мадинанинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, қадимий ва навлқрон шаҳарда жойлашган осори-атиқалар тарихини



кўпроқ ўргатишга ҳаракат қилишди. Албатта, киндик қони томган жой бошқа ер бўлгани билан улғайтирган, одаимийлик хислатларидан сабоқ берган жой том маънода ҳақиқий ватан эканини ота-онаси фарзандлари қалбига сингдиришди. Мадинада Бухоро ва унинг халқига меҳри ортгани сари барчаси қалбида муҳрланиб, келажақда ўзи ҳам бу заминни янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўишини дилига тугди. Олий даргоҳдан олган мутахассислиги бўйича қаерда меҳнат қилмасин, топшириқларни виждонан бажариб, раҳбарларнинг назарига тушиди. БСКлар фаолияти ташкил этилгани эса унга айни муддао бўлди. Чунки кўп вақтдан буён коммунал хизмат соҳасида фаолият кўрсатиб, зарур тажриба тўплагани асқатишини яхши билгани боис, янги тизим орқали мақсадини рўёбга чиқариш учун ўз қорхонасини тузиб, ишга жиддий киришди.

Дастлаб жамият таркибига кирувчи Зарафшон, Тошмачит, Пиридастгир, Амир Темур,

Ж. Икромий, Баҳовуддин Нақшбандий номли, Шодлик каби еттига маҳаллада қадр ростлаган 2, 4, 5 ва 7 қаватли биноларнинг ҳолатини мукаммал ўрганиб, қаерда қандай иш бажарилиши, қандай материаллардан фойдаланиш кераклиги юзасидан рўйхатни шакллантирди. Сўнгра тайёрланган ҳужжатларни 2151 та хонадонда яшовчи аҳолига тақдим этиб, уларнинг таклифларига эътибор қаратди. Даставвал ишни ертўлалардан бошлади. Салкам 2 километрли яроқсиз тик қуворлар ўрнига маҳаллий хомашёдан тайёрланган материалларни ўрнатиб, аҳолининг ичимлик ва оқова сув бўйича қийнаб келган муаммосини ҳал қилди.

Асосий масалалардан бири, эътиборсизлик натижасида барча уйларнинг фасад қисми нураб бўлган, томлари эса чакки ўтавериb илматешиқ бўлиб қолганди. Бу ҳолат нафақат аҳолини қийнаб келар, балки шаҳар ҳуснига ҳам доғ тушираётганди. Зарур маблагни топиш эса осон бўлмади. Бироқ изланган имконини қиларкан. Ишлаб

чиқариш қорхоналари билан истиқболли шартнома асосида материалларни тўплағач, 2022-2025 йиллар оралиғида 105 та кириш йўлаклари жорий таъмирланиб, барчасининг ойналари алмаштирилди, 52 та темир эшиклар ўрнатилди. 18 та кўп қаватли уйнинг фасади, 3,5 минг квадрат метр томларга мукамал ишлов берилди ва мавжуд лифтлар янгиланди.

Кўп қаватли уйлардаги яна бир муаммо, мазкур уйларга тегишли майдонлар ўзбошимчалик билан ўраб олиниб, турли хил қурилмалар қурилганди. БСК раҳбарининг ташаббуси билан қисқа даврда оқонуний қурилмалар ихтиёрий равишда бузириб ташланди. Улар ўрнига ҳамжихатликни таъминлашга хизмат қилувчи 5 та болалар майдончаси, қариялар учун ҳордиқ чиқариш жойлари, футбол майдонлари қурилиб, турли хил меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Аҳолига коммунал соҳада хизмат кўрсатиш масаласи тубдан ўзгаргани натижасида одамлар

ҳар ишда БСК билан ҳамкорлик қилиб, ободонлаштириш ишларида яқиндан қўмақлашмоқда. Жамият ташкил этилгандан буён аҳолидан тушган 300 дан ортиқ мурожаатлар ўз ўрнида ҳал этилди. Мадина Гулиеванинг ташаббуси билан Зарафшон ва Тошмачит маҳаллаларида истиқомат қилаётган 10 дан ортиқ ногирони бор ҳамда кам таъминланган oilаларнинг хонадонлари жамият ҳисобидан тўлиқ таъмирлаб берилди.

Асосий вазифаси кўп қаватли турар жойларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган “Зарафшон” масъулияти чекланган жамият бошқарув сервис компанияси бугунги кунда ҳар томонлама вилоятдаги турдош қорхоналарга ибрат кўрсатиб келяпти ва улар тажрибаси оммалаштирилган. Ибратта муносиб тиним билмас жамият раҳбари шу кунларда соҳани янада ривожлантиришга йўналтирилган тўртта лойиҳа устида иш олиб бормоқда ва улар яқин орада амалга татбиқ этилишига шубҳа йўқ.

Конимехнинг қўли гул Айгули

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида фидойилик билан ўз касбини ардоқлаб, ўзи ҳам ўша касбдан эъзоз топаётган ва кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлаётганлар бисёр.



Бугун эркаклар билан бир қаторда ишлаб, ўзининг заҳматли меҳнати ва қалб саховати билан барчага намуна бўлиб келаётган хотин-қизлар ҳам кўп. Юртимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда асосий вазифаси – фарзанд тарбиясидек мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш билан бирга, жамиятнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган кўплаб касб эгалари қатори қурилиш ва коммунал соҳасида ҳам минглаб аёллар меҳнат қилмоқда. Уларда бири – Конимех тумани ободонлаштириш бошқармасида фаррош бўлиб ишлаб келаётган Айгул Абиловадир. У яқинда ўз соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона хизматлари учун “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

– Мен ўз касбим ортидан жонажон Ватанимизнинг, она халқимизнинг юксак эътирофи ва эъзозига сазовор бўлдим, – деди Айгул Абилова. – Оддий ва камтарин меҳнатимиз шу даражада тақдирланиши тасаввур этмасдики. Бу мукофот нафақат менга, мен қатори сеvimли жамоамга ва заҳматкаш ҳамкасбларимга ҳам тегishi деб биламан.

Айгул Абилова 25 йилдан буён Конимех тумани ободонлаштириш бошқармасида меҳнат қилиб келади. Уч нафар фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи ҳам хизматчи, икки нафар фарзанди мохир дурадгор, улар ҳам қўл меҳнати орқали рўзгор тебратadi.

САНТЕХНИКНИНГ ИШИ ОФИР, уни ҳар ким ҳам дилдан ҳис қилавермайди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сантехниклик кўз илгамас касбдек туюлса-да, аслида бу касб эгаларининг меҳнати ҳаммага бирдек зарур. Эсимда бор, илгарилари уйимизда сув тошса ёки қувур тикилиб қолса, сантехник қидириб нечи эшикни қоқардик. Тўғри, ЖЭКларда сантехниклик лавозими бўлса ҳам, биз тажрибалироқ, жайдари тилда айтганда, “тоза ишлайдиган” ини излардик.

Бугунги кунда қурилишлар кўпайгани сабаб сантехниклик юқори даромадли касблардан бирига айланди, уларга талаб ошди. Бошқарув сервис компанияларида фаолият кўрсатаётган сантехникларнинг бажарадиган юмушида чегара йўқ, бир қараса ертўлада, яна бир қараса қайсидир хонадонда ёки марказлашган канализацияни пайвандлаш билан банд. Қисқаса, уларга осон эмас, топирилган вазифани сифатли қилиб бажаришга ҳаракат қилишади. Бирок ёрилган қувурни пайвандлаш ёки бошқа юмушни бажаришда меҳнати сингган ва кези келганда, ярим тунда ҳам ўз вазифасини сидқидилдан бажарган бу касб эгасининг беимнат хизматини кўпчилик кадрига етмайди. Ваҳоланки, ҳозирги шароитда кичик масошга кўникиб, шу соҳа ортидан ҳар ким ҳам рўзгор тебратишга тоқати етмаса керак.

Ана шундай оғир ва машаққатли касбни танлаб, 30 йилдан буён кўп қаватли хонадонларда яшовчиларга қувонч улашаётганлардан бири Қудрат Атахановдир. Айни пайтда у Янгиҳаёт туманининг “Дўстлик-2” ва “Чароғон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётганларга “Al-Bosil” ва “Янги ҳудуд” бошқарув сервис компаниялари орқали хизмат кўрсатади. Айтиш жоизки, ҳудуддаги ушбу турар жойлар қурилганига ўттиз йилдан ошган. Ўз-ўзидан англаш мумкинки бу уйларда сантехника билан боғлиқ ишлар талайтина.

Айтиш керакки, мазкур бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатаётган барча уйларнинг томлари рубероид ўрнига иссиқ-совуққа чидамли замонавий материаллар билан ёпилиди ва кўплаб хонадон эгалари ёғинарчиликлар вақтида пайдо бўладиган ташвишлардан қўтилишди. Шунингдек, уйларнинг фасад

– Ишимни яхши кўраман, – деди қахрамонимиз. – Кичик меҳнатимиз билан туманимиз ободлигига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. 1986 йилда туманимиздаги касб-ҳунар коллежини тугатганман. Меҳнат фаолиятим давомида кўплаб шогирдлар тарбияладим. Уларни устоз, деб эътироф этилишдан доим мамнун бўламан.

– Айгул опа сеvimли устозимиз, – деди опанинг шогирдларидан бири Зебо Отақулова. – Ишимиз енгил эмас, кишининг совуқ кунларида ҳам, жазирамада ҳам доим кўчадамиз. Баъзан об-ҳаводан нолисак, Айгул опа ишга даъват этиб, бизга таскин бериб, кўнглимизни кўтарди. Ишимизнинг нечоғли савобли, аҳамиятли эканини англаб, чарчоғимиз сезилмайди. Айгул опа олган мукофот бутун жамоадoshларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Бу эътибор бизни янада фидокорлик билан меҳнат қилишга ундайди.

Албатта, фуқаролик жамиятини шакллантиришда қурилиш ва ободонлаштириш соҳасининг ўрни муҳим. Бу борада тинимсиз меҳнат қилаётган, шу замин бағрида камолга етиб, давлатимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган Айгул Абилова каби жонқуяр юртдошларимизнинг фаолияти ҳар қандай мактовлар, нуфузли мукофотларга лойиқ. Зеро, уларнинг метин матонати, сўнмас жасорати, энг муҳими, ватанпарварлиги барчамизга ибратдир.

қисми, электр щитлар босқичма-босқич таъмирланди. Ертўлалардаги муддатини ўтаб бўлган қувурлар замонавийларига ўзгартирилди. Бу каби юмушларни амалга ошириш орқали аҳолига қўлай шароитлар яратишда аввало, бошқарув сервис компаниялари билан бир қаторда Қўдрат Атахановнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ўрни келганда, бунёдкорлик соҳасида касблар жуда кўп бўлсада, қахрамонимиздан айнан сантехникликини танлашининг боиси нимада экани билан ҳам қизиқдик:

– Пайвандлаш ва сантехник касбларини танлашимга Янгийўл тумани марказида ташкил этилган тўғарак туртки бўлган, – деб хотирлади у. – Дастлабки фаолиятни кўп қаватли уйларда яшовчиларга хизмат кўрсатишга масъул бўлган корхонадан бошлаганман. Шунга ҳам 30 йилдан ошибди. Касбга боғлиқ ишлар орқали аҳолининг кўнглидаги шароитни яратиб бериш осон эмас. Муаммолар эса ҳар бир ертўлада, йўлаклар ва хонадонларда учрайди. Бошқарув сервис компаниялари фаолияти йўлга қўйилгач, ҳудудимизда айтса аризгулик ва одамлар кўнглидагидек ишлар амалга оширилди. Уйларнинг том қисми ва фасадлари тартибга келтирилиб, 6 та жойда болалар ва катталар учун спорт майдонлари қуриб берилди.

Шу кунларда бошланган ишларнинг мантйқий давоми сифатида ҳудуддаги уйларнинг эскирган лифтлиари янгисига алмаштирилиб, ертўлаларда тузатиш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Аҳоли хонадонларига узлуксиз равишда тоза ичимлик суви кириб бориши ёки қувурларни пайвандлаш, кўп қаватли уйларда яшаётганлардан қандай мурожаатлар тушаётган бўлса, уларни ўз вақтида сифатли қилиб бажаришда тажрибали сантехник Қудрат Атахановнинг ҳиссаси катта.

“Муборак улкан иншоот”нинг улкан ишлари

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Халқимизда “Ким меҳнат қилса, шунинг қўли баланд келади” деган нақл бор. Нақадар билиб, ҳаётдан олиб айтилган фикр. Айниқса, бугунги кунда бу сўзнинг ўрни, аҳамияти катта. Атрофимизга назар соладиган бўлсак, муваффақият, мўмай даромад, фаровон ҳаёт ҳақида тўлиб- тошиб гапирадиган одамлар кўп. Минглаб ёшлар сўнгсиз орзуларини осонгина қўлга киритиш илинжида ўзини ўққа-чўққа уриб ашмамоқда.

Ёшлигимизда “Тулливернинг саёҳатлари” номли асарини мутолаа қилганмиз. Унда бир тоифа одамларнинг пастдан юқорига эмас, юқоридан пастга қараб уй қуриш гоёси ҳақида гап боради. Айни замон кишилари ҳам худди шу каби ўз фаолиятларини қайсидир курсига эгаллик қилишдан, ё бир идоранинг ёки жамоанинг бошлиғи бўлишдан бошлашга интилади. Ёмон ният эмас. Шунга лойиқ бўлсак, албатта. Бугун ҳаёт йўли билан танишадиган қахрамонимиз бизга тамоман бошқа ҳикояни ҳавола қилди. Уни тинглай туриб, ҳаёт лойиқ бўлганларга ўз тухфаларини аямайди, деган хулосага келиш мумкин. Чунки бу инсоннинг ҳаёти енгил-еппи ҳаётни оруз қилган ёшларимиз фикрини ўзгартириб юбorsa ҳам ажаб эмас.

Ихтиёр Фармонов 1986 йилда Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида дунёга келган. Ёшлигидан кўнгли орзуларга тўла бўлган йигитнинг ҳаёти ҳар доим ҳам осон кечмади. Бир тарафдан ўз оиласининг моддий имкониятларини яхшилаш вазифаси, иккинчи тарафдан ўқишга кириш, ёшлик шавқини суриш уни кутиб турарди. У молия йўналишига ўқишга кирди ҳам. Фақат тўлов-контракт асосида...

Аmmo унинг иқтисодиий имкониятлари ўқишни эмас, ишлашни тақозо этди. Балки ўша дамда имкониятлари чекланганидан хафа бўлган, руҳий изтиробларга қўйилгандир. Лекин тақдир унинг қаршисига қуруқ қўл билан чиқмади. Машаққатлар, қийинчиликлар, етишмовчиликлар унинг учун ривожланиш, ҳаёт чиғирикларига тобланиш имкониятини берди. Фаолиятини қурилиш соҳасидан бошлади. Ёнг оддий ишчидан раҳбарликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Қурилиш соҳасида 2015 йилдан бери бошқарувчи сифатида фаолият юритиб келаётган қахрамонимиз бу соҳанинг ҳар бир босқичини яхши билади. Айнан шу омил унинг кейинги фаолияти, хусусан, коммунал соҳада муваффақиятли ишлашининг пойдевори бўлди. Оддий ишчининг ташвиш ва дардларини яхши англайди.

Унинг раҳбарлигида Қашқадарё аҳли учун шинам уйлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилиб фойдаланишга топширилган. Бир вақтнинг ўзида олий таълим муассасасида ҳам тахсил олаётган Ихтиёр Фармонов ўзини коммунал соҳада ҳам синаб кўришга қарор қилди. 2021 йилда “Муборак улкан иншооти” бошқарув сервис компаниясини ташкил қилди. Бошқарув сервис компаниялари – бу кўп қаватли уйларда ташкил этилган янги хизмат кўрсатиш шаклларидан бири бўлиб, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг замонавий кўринишидир. Улар кўп қаватли уйлардаги умумий мулкни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва коммунал тизимларнинг соз ишлашини таъминлаш каби масъулиятли вазифаларни бажаради.

Яқин-яқиндача одамлар ширкатларга нисбатан салбий муносабат билдирганидек, бошқарув сервис компанияларига ҳам ишончсизлик билан қаради. Бунинг сабаби аниқ эди: одамлар ширкатларни ишламайди, деб ҳисоблаб, тўловлардан бўйин товлайди, ширкатлар эса маблаг етишмаслиги сабаб иш қилмайди. Натижада тизим “айб”ни бошқалардан “излаш” доирасида айланар эди. Аммо бошқарув сервис компаниялари эски тасаввурларни аста-секинлик билан парчалаб ташлади. Қахрамонимиз ҳам ишни одамларнинг йўқотилган ишончини қайта тиклашдан бошлади. Яратганга таваққал қилиб бошланган иш ўз натижасини бермасдан қолмади.

Фаолиятининг илк кунларида халқнинг коммунал соҳага бўлган муносабатини ўзгартиришга жиддий киришди. У ийлар давомида йиғилиб қолган ўнлаб му-

аммолар билан фаол курашди. Қаровсиз қолган ертўлаларни тизза бўйи сув кечиб тозалади, одамларга ўз ҳисобидан маблаг сарфлаган ҳолда нималарга қодир эканини исботлай олди. 20 йиллаб турғун ҳолда ўзгармай келган шароитлар яхшилаана бошлагани аҳолида янгидан умид уйғотиб, бошқарув сервис компаниясига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Унинг киришувчанлиги, одамларнинг дардига очиклиги ҳам халққа янада яқин қилди. Бу ҳақда қахрамонимизнинг қуйидаги мулоҳазаларини келтириб ўтиш ўринлидир:

– Кимдир ёнингизга келдим, унинг сизга айтидиган гапи бор. Қайсидир муаммо унинг ҳузурини қочирган бўлади. Бизда кимдир ҳаққини талаб қилса ва буни юзингизга очик айтса, кўпинча яхши қабул қилинмайди. Беттачопарлик қиялпти, деб ўйлаймиз. Менимча, у бунинг учун ёнимизга келмайди. Шунчаки бугунгидан яхши яшаш учун интилади. Ўзи учун, қўшилари учун қулайликлар яратишга, яшаш сифатини ошириш илинжида бизга келиб дардини айтиди. Шахсан ўзимга шунақа одамлар ёқади. Аслида биз уларни тушунишимиз, имкон доирасида ёрдам қўлини узатишимиз керак бўлади. Агар одамларга берган сўзиниғи устидан чиқсангиз, уларга бундан ортиқ яхшилиқ йўқ. Одамлар ҳақини ваъдаларга алданавериб, рост айтилган гапга ҳам шубҳа билан қарайдиган бўлишган. Бунга ҳам



ўзимиз айбдормиз, деб ўйлайман. Фикримча, компания раҳбарининг чўрткесарлиги ва қатъияти унинг ҳамкасблари орасида ҳам, аҳоли орасида ҳам ҳурмат ва эътибор қозонишга сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, “Муборак улкан иншооти” бошқарув сервис компанияси бугунги кунда Муборак туманидаги 112 та кўп қаватли уйга, шу билан бирга, Қарши шаҳрида ҳам 14 та уйга хизмат кўрсатмоқда. Қисқа вақт ичида Ихтиёр Фармонов компанияни нафақат аниқ тизимли фаолиятга йўналтирди, балки аҳоли билан самарали мулоқот олиб бориш орқали кўпларнинг ишончини қозона олди. Унинг дангга феъли, ишига масъулияти, самимий муносабати ва ҳалоллиги муваффақиятининг асосий омилларидир. Қахрамонимизнинг изланувчанлиги, замона тили билан айтганда, соҳанинг пешқадами



бўлишга интилилиши бир жойда қотиб қолишга йўл қўймайди. Коммунал соҳага кирганидан бери барча ўқув семинарларида, малака ошириш курсларида фаол иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаларини мустаҳкамлаб келмоқда.

Жорий йил бошида эълон қилинган “Ёнг яхши бошқарув органи” танловида Қашқадарё вилояти ёлиби бўлиб, Республика босқичга йўлланма олгани ҳам мунтазам ва тизимли меҳнатларининг самараси ҳамда мукофоти, дейишимиз мумкин. Бу ҳеч бир қилинган иш зое кетмаслигига бир тасдиқдир.

Ихтиёр Фармоновнинг коммунал соҳадаги фаолияти халқ ҳаётига сифатли хизматлар олиб келишдан иборат. У одамларнинг эҳтиёжларини чин дилдан тушунади ва бу эҳтиёжларни имкон қадар тез ва сифатли қондиришга ҳаракат қилади. Хизматни иложи борица соддалаштириш ва аҳолини рози қилиш учун инновацион ёндашувни жорий этишни асосий мақсади сифатида кўради. Одам-

бўлиб ишга ўтди. Қисқа муддат Ўзбекистон ХДП Муборак тумани кенгаши партия ўқёт бўлими бошлиғи вазифасини бажаради. Ўз меҳнат йўли давомида халқ билан мулоқот кўникмаларини пухта ўзлаштирган Зилола Сайлиева 2021 йилда коммунал соҳага дастлабки қадамларини қўйди. “Муборак улкан иншоот” бошқарув сервис компаниясида иш бошқарувчи сифатида бугунги кунгача самарали ишлаб келмоқда.

– Одам тафтини одам олади, – деди Зилола Сайлиева. – Бу соҳада тажрибам, иш йилларим кўп бўлмаса ҳам йиллар давомида халқ орасида ишлаганим учун катта фарқ сезмайман. Одамларимиз содда ва оққўнгли. Хуудларни айланиб, аҳолининг онлайн тўлов маданиятини оширишга ҳаракат қиламиз. Соҳамизнинг ва ишимизнинг мазмунини шу тахлит тушунтириб борамиз. Ишимда қаттиққўллик қилишим бор гап. Чунки тартиб ва интизом орқасидан натижага эришилади. Раҳбаримиз Ихтиёр Фармонов тақлифларга, янгиликларга

ларнинг миннатдорлик сўзлари унга доимо илҳом ва куч бағишлайди. Инсонларни диққат билан эшитиш асосида уларга самимий меҳри ва ҳурматини ҳам ифодалайди. Ходимларига ишонч билдириб, меҳнатини кадрлай олиши жамоасида аҳилилик ва ҳамжиҳатлик руҳини шакллантира олган. Коммунал соҳа шундай соҳаки, сиз инсонларнинг дарди билан ҳамасоҳанг яшайсиз. Бир оиланинг, борингки, бир инсоннинг изтироби, уни қийнаётган муаммоларига беvosита шерик бўласиз. Касбнинг шарафи ҳам шунда – халқ билан елкадош бўлиб, биргаликда фаровон ҳаёт сари интиласиз.

Ихтиёр Фармонов эришган ютуқларида жамоадoshларининг ўрнини ҳам алоҳида қайд этиб ўтаркан, компания бошқарувчиси Зилола Сайлиеванинг меҳнат фаолиятига ҳам диққат қаратиб ўтишимиз истади.

Зилола Сайлиева 1980 йил Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида таваллуд топган. Ёшлигидан тиришқоқлиги, ишига масъулият билан ёндашиши яқинлари орасида ҳурмат қозонишга сабаб бўлди. Ўрта таълимни қишлоқ хўжалиги хисобчилиги йўналиши бўйича тамомлайди. Ўз меҳнат фаолиятини мактабгача таълим муассасида бошлайди. Кейинчалик Муборак тумани Ёшлик маҳалласига диний, маърифий-маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи

очик инсон. Доим ишончи ва қўлаб-қувватловини ҳис қиламан. Ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушуниш бўлса, иш олдинга силжийди. Бир нарсани унутмаслигимиз керакки, ҳалол ва сидқидилдан ишлаган инсонни ҳамма ҳурмат қилади. Ўз касбини севаган инсон нафақат бу соҳада, қолаверса, ҳар қандай соҳада бўлишдан қатъи назар бир кун ҳам ишлай олмайди. Бизни машаққатларга, қийинчиликларга сабр қилишимизнинг ягона сабаби – касбга бўлган муҳаббатимиз, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, Зилола Сайлиевани таниганлар унинг ҳурматини жойига қўяди. Олди-қочди нарсаларни ёқтирмагани, ҳар бир масалага тез фурсатда ечим бера олгани учун ҳам уни алоҳида қадрлашади. Аёл бўлишига қарамай, оиласи ва ишини ҳам ўз ўрнига қўя олган батартиб инсонлар сирасига кирази. Қашқадарёнинг тантй халқига холис хизмат қилиб келаётган содда ва камтарин инсонлар ҳаёти ва фаолиятига диққат қаратаётганимиздан мамнунмиз. Халқнинг қорига араб, дуосини олаётган Ихтиёр Фармонов ва Зилола Сайлиева каби фидойи ходимлар кўпаяверсин. Уларга ўз соҳаларида бунданга юксак марраларга эришишларини, халқнинг сеvimлиси бўлиб юришларини тилаймиз.

Байрам муносабати билан “Муборак улкан иншоот” бошқарув сервис компанияси жамоасига соғлиқ-саломатлик, оилавий хотир-жамлик, касбий муваффақиятлар ҳамроҳ бўлсин, деймиз.

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари ортмоқда



Нигора НОЗИМЖОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 мартдаги "Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори уй-жойларни иссиқлик блан таъминлаш борасидаги жараёнларни янада жадаллаштирди.

Бухоро вилоятида ҳам қарор асосида қайта тикланувчи энергия манбалари ва қурилмаларини ресурс тежамкор манбалардан фойдаланган ҳолда аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларини иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, иссиқлик таъминоти соҳасини ислоҳ қилиш, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда биноларда энергия йўқотишларни камайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бухорода 2 та иссиқлик таъминоти корхоналари вилоятдаги 808 та кўп қаватли уй-жойлар ҳамда 101 та ижтимоий соҳа муассасаларини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаб келмоқда. Этиборлиси, халқаро молия ташкилоти томонидан ажратилган 22,6 миллион АҚШ доллари ҳисобига Бухоро шаҳрида "Бухороэнергомарказ" АЖ иссиқлик корхонасида ўтган икки йил ичида марказлаштирилган иссиқлик тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлиги бўйича йирик лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида умумий қуввати 80 мегаватт бўлган замонавий автоматик бошқариладиган 4 та ҳар бири 20 мегаваттлик қозонлар ҳамда 264 комплект индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди. Бугунги кунга қадар лойиҳа доирасида 17,8 млн АҚШ доллари, яъни, ажратилган мабланнинг 79 фоизи тўлиқ ўзлаштирилди.

Жамиятимизда Жаҳон банки иштирокидаги марказлашган иссиқлик таъминотини модернизация ва энергия самарадорлигини ошириш лойиҳасини бажариш бўйича якуний босқичга кирган, - деди "Бухоро-энергомарказ" АЖ директори Анвар Қораев. - Лойиҳа доирасида Бухоро

шаҳрининг 4- ва 6-микрорайонларида жойлашган 200 та кўп қаватли уйлар ва 32 та ижтимоий соҳа объектларига 264 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди. 5,5 километр тармоқлар замонавий полиуретан қопламали қувурларга алмаштирилиб, 80 мегаваттлик замонавий энерготежамкор қозонхона қурилди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида бир йилда 30 фоиз табиий газ истеъмоли қисқартирилади. Электроэнергиянинг иқтисоди 20 фоизни, ичимлик суви иқтисоди эса 60 фоизни ташкил қилади.

Маълумот учун айтиш керакки, 2024 йилда қозонхона томонидан 160,2 ГКоллория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилган. Бунда 21,6 миллион куб метр табиий газ 3,84 кВт соат электр энергияси 1494 куб метр ичимлик суви сарфланган бўлса, уларнинг ҳар биридан 10-15 фоизгача иқтисодий самарадорлик таъминланганини кўриш мумкин. "Бухороэнергомарказ" АЖда мазкур лойиҳа якунига етказилгандан сўнг марказлашган иссиқлик тизимининг замонавий энергосамарадор ёпиқ тизимига ўтиш ҳисобидан йилга 6,4 млн куб метр табиий газ ёки қарийб 10 миллиард сўм, 1 миллион кВт/соат электр энергиясидан 1 млрд сўмга яқин ҳамда 1 млн куб метр ичимлик сувидан 3,3 млрд сўмни тежашга эришилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарихи 30 фоизга камайиб, иссиқлик тармоқларининг эксплуатация муддати 30 йилгача узайтирилади. Йўқотишлар 2 баробарга қисқартирилади. Атмосфера қатламига зарарли ташламалари микдорини йилга 2,8 минг тоннага камайтириш мумкин.

Бундан ташқари, вилоятдаги яна бир йирик жамият "Иссиқлик манбаи" ДУКнинг иссиқлик таъминоти тизим-

ларини 2025-2026 йилларда давлат хусусий шериклик асосида модернизация қилиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа доирасида 14 мегаваттлик қувватга эга газ поршенли технологияси жорий қилинади. 28 километр иссиқлик тармоқлари реконструкция қилиниб, 175 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида 153 та кўп қаватли уй-жойлардаги 7 995 та хонадонлар ҳамда 22 та ижтимоий соҳа муассасаларида иссиқлик таъминоти тизими яхшиланади. Албатта, жамиятда ҳозирга қадар амалга оширилган ишлар қўлами ҳам анчагина салмоқли.

Корхонамиз томонидан 2024 йилда инвестиция дастурига асосан Когон шаҳрида 3 та марказий қозонхона, Бухоро шаҳрида 1 та қозонхонада замонавий технологиялар жорий қилинди, - деди "Иссиқлик манбаи" ДУК мутахассиси Охун Қобиров. - Бу замонавий технологияни жорий қилишдан асосий қўзланган мақсад келгусида барча этибор ёқилги энергетика ресурсларини тежаш ва иқтисод қилишга қаратилгани боис мана шундай замонавий технологияларни қўллаётимиз. Президентимизнинг топшириқларига асосан 2024 йилда ушбу объектларни қуриб фойдаланишга топширдик. Шу билан бирга, корхонамизнинг ўз маблаглари ҳисобидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 8 та сув иситиш қозонлари мукаммал ва жорий таъмирланиб, 5 километр иссиқлик тармоқларида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик қопламалари янгиланди.

Ташкидлаш керакки, иссиқлик корхоналарида яшил энергия улушини жорий қилиш мақсадида йилнинг биринчи ярим йиллигида 2 та иссиқлик корхоналари тизимида жами 150 кВт, шундан "Иссиқликманбаи" ДУК 50 кВт қувватли куёш фотостанцияларини ўрнатиш ишларини олиб бормоқда. Президентимизнинг жорий йил 17 март кунги ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиги ва қишлоқ ҳўжаллиги билан боғлиқ масалалар бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишидан сўнг бу йўналишдаги мақсадлар

янада катта олинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг видеоселекторда берган топшириқлари асосида барча вазифалар ижроси тўлиқ назоратга олинган. Вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси томонидан ташкил этилган штаб томонидан жараёнларнинг белгиланган талаб даражасида бориши таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 мартдаги қарорига асосан уй-жой ва бино-иншоотларнинг иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди, - деди вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Мақсуд Аслонов. - Жорий йилнинг 17 март кунги ўтказилган видеоселекторда ҳам бу борада аниқ вазифалар белгиланиб, прокуратура органлари томонидан Бухоро шаҳрида 219 та кўп қаватли хонадонлар олдиди индивидуал иссиқлик пунктлари ташкил қилинди ва улар бўйича якунлаш ишлари олиб боришмоқда.

Жорий йилда 10,5 километр иссиқлик тармоқлари, 12 километр иссиқлик қопламаларини алмаштириш, 8 дон турли русумдаги сув иситиш қозонларида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Кейинги 5 йилда иссиқлик тизимларини тиклаш учун 79,9 млрд сўм йўналтирилиб, марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови 31 фоиздан 55 фоизга етади. 436 та кўп қаватли уй ва 60 та ижтимоий объектлар ёпиқ тизимга ўтказилади. Бу эса иссиқлик йўқотишларини 2 баробарга қисқартириб, газ истеъмолини 20 фоизга камайтиради. Бундан ташқари, "Выхага city" мажмуасида қурилган 71 та ҳамда Бухоро тумани "Бог" МФЙ ҳудудидаги "Янги Ўзбекистон" массивларида қуриладиган 111 та кўп қаватли уй-жойларни марказлашган иссиқлик таъминотига улаштириш кўзда тутилган. Бу борадаги ишларни амалга ошириш натижасида йилга 6,5 миллион куб метр табиий газ иқтисоди қилинишга эришилади. Энг муҳими, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларининг ортиши уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам замин яратди.

Маҳалла обод – кўнгил шод

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Самарқанд шаҳридаги "Ал Бухорий" маҳалла фуқаролар йиғинида "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" мезонлари асосида кенг қўламли яратувчилик ишлари амалга оширилмоқда. Худуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида бу ердаги ҳар бир кўча, кўп қаватли уйлар олдиди майдончалар, савдо ва ижтимоий соҳа объектларини замонавий қиёфага келтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бизнинг "Таргус-777" МЧЖ жамоамиз айнан ана шу маҳалланинг ободлиги ва сервис ишларини бажаришни ўз зиммасига олган, - деди жамиятни узоқ йиллардан буён бошқариб келатган тажрибали раҳбар Алфия Гукасян. - Ибратли хизматларимиз учун вилоят, шаҳар миқёсидаги кўрик-танловларда, Хусусан, "Обод уйим-обод юртим" танловида бир неча бор бўлиб, махсус диплом ва сертификат билан тақдирланганмиз. Ўзим асли тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатганлигим боис, озодалик, саранжом-сарипталикка жиддий аҳамият қаратаман. Бу талабчанлигим нафақат ходимлар, ҳатто маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқарога ўтганлиги айна муддао бўляпти.

Ҳамжихатликда тозаликка риоя қилаётганимиз - ютуқларимиз омилига айланмоқда. Фаол ишчи-хизматчиларимиздан - Хидоят Ҳамроева, Меҳрож Сафаров, Абдулло Шодиёров, Лобар Ражабова, Мавжуда Очилваларни барча бирдек ҳурмат билан тилга олишнинг боиси шундан.

Дарҳақиқат, МЧЖ ходимларининг саъй-ҳаракати билан моддий-техник



базани янгиллаш ҳамда кўп қаватли уйлар техник ҳолатини янада яхшилаш, даромаддан бир қисми қарздорликни сўндиришга йўналтираётганлиги ҳам ибратга сазовор. Улар шартнома асосида қўшимча хизматларни ҳам йўлга қўйишган. Хуллас, жамоа бор имкониятлардан самарали фойдаланиб, аҳолига намунали хизмат қилишда давом этапти.

Сифат масаласи доимий эътиборда

Халқимизга сифатли хизмат кўрсатишни даврнинг ўзи тақозо қилади. Коммунал ҳўжалигида ҳам шундай. Жойларда аҳолининг эҳтиёжини қондириш, турмушини яхшилаш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Каттакўрғон шаҳридаги коммуналчилар томонидан бажарилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовор.

Каттакўрғон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлими бошлиғи Ш. Сайдиевнинг таъкидлашича, ҳудудда 251 та кўп қаватли турар жой мавжуд бўлиб, улар еттига бошқарув сервис компаниясига бириктирилган.

Ушбу бошқарув сервис компаниялари фаолияти қай даражада? Уларда мўлжалланган вазифаларни вақтида ва сифатли амалга ошириш учун имкониятлар етарлими?

Ташкидлаш керакки, БСКлар фаолиятининг янада самарали бўлиши учун уларга давлат томонидан бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Натижада уларнинг имкониятлари яхшиланиб, жойларда хизмат сифати ҳам ортапти.

Ўтган йил кузги-қишқи тадбирлар давомида шаҳардаги барча уйларнинг том қисми таъмирланиб, 53 та уйнинг кириш йўлакларидида электр билан таъминловчи шитлар алмаштирилди. 16 та уйнинг ирригация тизими яхшиланиб, ерўғалардаги оқова сув қувурлари алмаштирилди ҳамда 5 та болалар ўйин майдончалари таъмирланганди. Бунда "Миёнок", "Қўрғон", "Қораева" ва "Мароканд старт бошқарув - 2002" МЧЖларининг меҳнат жамоалари бошқаларга намуна бўлдилар.

Шунингдек, шаҳардаги "Дўстлик" МФИда 44 та кўп қаватли уй мавжуд. Улардаги 990 та хонадонда яшовчи аҳолига "Қўрғон сервис бошқарув" компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. БСК жамоасининг ишчи-хизматчилари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда кўчаларни обо-



донлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалик-озодаликни сақлаш, канализация тармоқларини тартибга келтириш каби вазифаларни бажаришмоқда.

Компаниямизда 13 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади, - деди компания раҳбари Тўлқин Раҳмонов. - Уларнинг саъй-ҳаракати билан аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш даражаси кун сайин ошиб бормоқда. Ҳудуддаги 2 та МТТ ва 2 та мактабга ҳам намунали хизмат кўрсатилляпти. Хуллас, аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа билан боғлиқ ташкилотларда мавжуд муаммоларни олдини олиш ҳаракати-дамиз.



Бошқа ҳудудлардаги каби Тойлоқ туманида ҳам кейинги йилларда кўп қаватли уй-жойлар қурилишига жиддий эътибор қаратилди. Натижада бундай

Масъулият – ишчанликка ундайди

Анвар ҚУРБОНОВ, "Янги Тайлоқ бошқарув сервис" МЧЖ раҳбари.

Илгари кўп қаватли уйлар фақат шаҳарларда бўлар, уларда истиқомат қилувчиларга хизмат даражаси ҳам ўзига яраша эди. Бугун эса ҳаммаси ўзгарди. Энди қишлоқларимизда ҳам шаҳардаги каби кўп қаватли уйлар аҳоли хизматида. Уларнинг барида инсон фаровонлиги учун ҳамма шароит яратилган.

уйларда қай даражада хизмат кўрсатиш масаласи ҳам устувор вазифага айланди. Ўзбекистон Республикасининг "Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисидаги" Қонунида аҳолига намунали коммунал хизматлари кўрсатуви белгилаб қўйилган. Туманимизда ҳам мазкур қонун талаблари асосида кўп қаватли уйларда хизмат даражасини юксалтиришга киришилмоқда.

Илгари "Боғизагон", "Боғичинор",

"Жумабозор" МФЙларидаги мавжуд кўп қаватли эски биноларга хизмат кўрсатиларди. Яқиндан бошлаб, туман марказидаги "Чароғбон" МФИда "Агромир-Буилдинг" МЧЖ бунёдкорлари томонидан 17 та 12 қаватли турар жой барпо этилди. Бундан ташқари, яна ўндан ортиқ 5 қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда истиқомат қилувчилар юқори сифатли коммунал хизматига эҳтиёж сеза бошлашди.

Ходимларимиз аҳолига намунали даражада коммунал хизматни йўлга қўйиш, уларнинг талаблари даражасида ишни ташкил этиш ҳамisha яхши натижаларга олиб келишини билишади. Янги барпо этилган кўп қаватли уйларда яшовчиларни ичимлик суви, иссиқ сув, электр, газ сингари энг муҳим манбалар билан таъминлаш, турли эҳтиёжларини қондириш масъулияти биз, коммуналчиларни доимо ишчанликка ундайди.

МАСЪУЛИЯТ ВА СИФАТ БИЛАН ҚОЗОНИЛГАН ИШОНЧ

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро вилоятида сервис мақомини биринчилардан бўлиб олган “Sity-Centr” бошқарув сервис компанияси ўзларига бириктирилган уйларда яшовчи аҳолига самарали хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончини қозониб келмоқда. Хусусан, оқава қувурларини таъмирлаш, уйлар атрофи, йўлак ва том қисмларини тартибга келтириш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш каби бир қатор вазифаларни бажариш орқали фаровонликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.



Мазкур компания 2022 йил 18 апрелда Бухоро шаҳар ҳокимининг 187-2-42-Қ/22-сонли қарорига асосан, 7 та ширкатни бирилаштирган ҳолда фаолият юритишни бошлаган. Шундан буён “Бунёдкор”, “Беҳиштиён”, “Наврўз”, Б. Нақшбанд ва Низомий Ганжавий номли МФИлар ҳудуддаги аҳолига самарали техник хизмат кўрсатмоқда. Компанияга қунига ўртача 4-5 нафар фуқаро мурожаат билан келиди. Аҳолининг ҳар бир мурожаати алоҳида эътибор билан кўриб чиқилиб, муаммолар тез ва сифатли ҳал этилади. Қолаверса, 24/7 ишлайдиган диспетчерлик хизмати ҳам йўлга қўйилган. Бу хизмат айниқса, фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг мушкуллини осон қилишга катта ҳисса қўшади.



сингари ўнлаб ишончли шогирдлар тайёрлашга муваффақ бўлдим. Бошқарув компаниямизни вилоятдаги намунали иш юритаётган ташкилотлардан бири, дея оламан. Аммо, баъзи фуқаролар коммунал хизматлардан исталганча фойдаланиб, тўловларни вақтида амалга оширишмайди. Ҳатто, суд орқали ундиришга мажбур бўламиз. Бироқ, шароити оғир оилалар бундан мустасно. Улар аризасига биноан, ҳар йил сўнггида 50 фоиздан 100 фоизгача тўловдан озод этилади.

Бутунги кунда “Sity-Centr” бошқарув сервис компанияси 165 та кўп қаватли уй ҳамда ундаги 5200 та хонадонга хизмат кўрсатмоқда. Шундан, 40 таси янги қурилган кўп қаватли уйлар ҳисобланади. Ҳозирга қадар компания ишчилари томонидан 145 та йўлак, 11 та уй фасади, 72 та уйнинг том қисми жорий ва мукамал таъмирланди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар электр шитларининг 80 фоизи мукамал таъмирланиб, кириш йўлагидagi эшиклар темир эшикларга алмаштирилган ҳамда кодли қулфлар қўйилган. Барча деразаларга “АКФА” ромлари ўрнатилган.

Булардан ташқари, уйларнинг ертўла қисмида мулкдорларнинг хавфсизлиги (жиноятчиликни олдини олиш) ва ҳудуд тозаллигини назорат қилиш мақсадида кузатув камералари ўрнатилмоқда. Ҳудудда 45 та болалар майдончаси ва “Work out”лар мавжуд бўлиб, уларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган. Яна бир муҳим жиҳат, “Sity-Centr” бошқарув компаниясига тегишли уйларда Миллий гвардия билан шартнома тузилган ҳолда “Ташвиш кнопка”лари ўрнатилган. Мавжуд лифтларни доимий равишда назорат қилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун “Сисё Лифт Монтаж” корхонаси билан шартнома тузилган.

БСКда аини пайтда қўшимча хизмат турларидан: пайвандлаш ҳамда “Акфа” дераза ромлари ва эшиклар ишлаб чиқариш цехлари мавжуд. Уйлар олдида сув фийлтрлаш аппаратлари ўрнатилган. Бу хизматлардан аҳоли ҳам миннатдор.

– “Sity-Centr” бошқарув сервис компанияси ташкил этилгач, иш усули, сифати ва моҳияти ўзгарганини ҳис қилдик, – деди “Беҳиштиён” МФИда яшовчи фуқаро Баҳодир Тўраев. – Муаммоларимиз ўз вақтида ва самарали бартараф этиляпти. Аҳолининг мурожаатига масъулият билан ендашув даражаси ортганидан хурсандимиз.

Демак, юқоридagi амалий ишлар ва аҳоли фикридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Sity-Centr” бошқарув сервис компанияси ўзининг фаолияти, масъулиятли муносабати билан кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг ишончини қозона олган. Фуқароларнинг мамнуният билан билдирган ижобий фикрлари эса мазкур тизимнинг самардорлигидан далолат беради.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНДИ

Зиё СИРОЖ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 25 декабдаги “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш доирасида вилоятларнинг энг чекка ҳудудларида ҳам туб ўзгаришлар юзага келмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг узоқ йиллардан буён ечимини кутиб турган муаммолари бартараф этилмоқда.

Жумладан, Андижон вилоятининг Олтинқўл туманида ҳам аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича кўплаб хайрли ишлар бажариляпти. Натижада йўл, электр энергияси, табиий газ, тиббиёт, халқ таълими, аҳолини иш билан таъминлаш, томорқачилик ва тadbиркорлиқни ривожлантириш, қўйингки, барча соҳаларда туб ўзгаришлар ясалмоқда. Жумладан, аҳо-



лини ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг қўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Биргина 2024 йилнинг ўзида тумандаги 5700 метр масофага сув тармоғини тортиш, 2 та сув қудуғи ва 1 та сув тозалогич ускунасининг ўрнатилиши орқали 400 нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 650 нафар ҳамюртларимизга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Кўш кўприк маҳалласи тумандаги энг қадимий манзиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, афсуски, ҳудуд айрим муаммолардан холи эмас эди. Хусусан, қарийб юз йиллик тарихга эга ушбу ҳудудда аҳоли сувни маълум масофадан ташиб келишига тўғри келган.

– Ушбу маҳаллада ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлмагани боис аҳоли сувни 1-2 километр узоқдан ташиб келишига тўғри келган, – деди “Андижон сув таъминоти” АЖнинг тумандаги филиали ходими Шаҳобиддин Аҳмедов. – Ҳудудлар инфратузилмасини ўрганиш жараёнида ҳар бир хонадонда хатлов ўтказилди. Аҳоли билан юзма-юз суҳбатлар уюштирилиб, мурожаатлари тингланди. Шундан сўнг мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрила бошланди. Жумладан, ичимлик суви таъминотини йўлга қўйиш бўйича хайрли ишларга киришилди. Натижада 3,1 километр масофага тармоқ тортилиб, 200 та хонадон илк бор ичимлик суви билан таъминланди. Битта сув қудуғи ва минораси ўрнатилиши орқали маҳалладаги мавжуд хонадонларнинг ҳар бирига сув қувурлари олиб кирилди.



Ҳудудда юзага келган бу каби ўзгаришлар аҳолининг чексиз миннатдорчилигига сабаб бўлди. Ўзингиз тасаввур қилинг, етмиш, саксон, ҳатто юз йиллар давомида орзуга, ечимсиз муаммога айланган ичимлик суви таъминотининг қисқа муддат ичида йўлга қўйилиши ушбу маҳаллада яшовчи аҳоли учун қутилмаган ҳодиса бўлди. Буларнинг барчаси республика-мизда халқ фаровонлиги йўлида амалга ошириляётган ишларнинг ижобий самарасидир.

– 73 йиллик ҳаётим шу маҳаллада ўтмоқда, – деди меҳнат фахрийси Аҳмадали Ҳамдамов. – Ўтган умримдан нолимайман, сабаби, юртимни борича севаман. Шундай бўлса-да, аҳолига янги имкониятлар яратилса, турмуш шароитлари яхшиланса қувонаман. Жумладан, маҳалламизда сув таъминотида доир қурилиш ишларига киришилганида, тўғриси, ишонгим келмаганди. Ваҳоланки, бу ўзгаришлар шундоқки-на кўз ўнгимизда намоён бўляётганди. Ҳозирда ҳар биримизнинг хонадонимизга ичимлик суви кириб келди. Оиламиз билан мана шундай яхши шароитда яшяётганимиздан хурсанд бўлиб, шу ишларга бош-қош бўлганларни дуо қиляпмиз.

Айни пайтда туманнинг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 87 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида ушбу кўрсаткич 82 фоиздан иборат эди. Ҳудудларни комплекс ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлар натижасида йил якунига қадар бу кўрсаткич 91 фоизга етказилиши режалаштирилган.

САНОАТЧИЛАР ШАҲРИДАГИ НАМУНАЛИ БСК

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ангрен шаҳри нафақат Тошкент вилояти, балки республикамизнинг энг йирик sanoat марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда турли миллат вакиллари аҳил-иноқликда яшаб, барча соҳаларда меҳнат қилади.

Бутунги кунда бошқа жойлардаги каби Ангренда ҳам ижтимоий инфра-тузилма соҳасида амалга ошириляётган янгиланишлар одамларнинг келажакка ишончини оширмоқда. Шаҳар қиёфаси ҳам йилдан йилга ўзгариб борапти. Ободонлаштириш, қайта қуриш ва таъмирлаш жараёнига маҳалларар кесимида фаолият кўрсатаётган бошқарув сервис компаниялари ҳам катта ҳисса қўшишмоқда.

Халқимизда, “Эскини ямагунча эсинг кетади”, – деган гап бор. Бироқ ҳар қандай эскирган нарсаси сифатли ишлов берилса, ундан яна кўп йиллар давомида фойдаланиш мумкинлигини Анжатбек Холтўраев таъсисчилигида ташкил қилинган “Ангрен бошқарув сервис” компанияси томонидан амалга ошириляётган ишлар мисолида кўриш мумкин. Айни пайтда мазкур компания жамоаси “Гўзал”, “Озодлик” ҳамда “Кимёгар” маҳал-

ла фуқаролар йиғинларидаги 141 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Ушбу турар жойларнинг барчаси ўтган асрнинг 50-60 йилларида қурилган бўлиб, БСК фаолият бошлагунга қадар бирор марта ҳам жорий ёки мукамал таъмирланмаган. Аҳвол шу даражада бўлгач, аҳолининг ишончини оқлаш осон кечмаслиги турган гап. Аммо “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади”, деб бежизга айтишмаган. Шу ақидага амал қилган жамоа биринчи навбатда 76 та икки қаватли уйни мукамал таъмирлашга киришди.

Анжатбек Холтўраев қурилиш ва таъмирлаш учун кези келганда ишчи-ҳодимлар қаторида мавсумий ишловчилар меҳнатидан ҳам фойдаланди. Қисқа даврда Тошкент-Бишкек йўлида жойлашган 76 та турар жойнинг асосий қисмидаги томлар шифер билан ёпилиб, фасад қисмига ишлов берилди. Ертўлалардаги трубалар янгиланиб,

ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари пластик трубалар билан алмаштирилди. Кириш йўлакларининг эшиклари талабга мослаштирилди ва тунгги ёритгичлар ўрнатилди.

Шу билан бирга, бир вақтлар қарздорлик туфайли иссиқлик манбаидан узиб ташланган 20 та хонадоннинг қарзлари компания ҳомийлигида қайтадан тармоқка уланди. Хонадонлардаги труба ва иситиш батареялари корхона ҳисобидан ўрнатиб берилди. Иккинчи йилдирки, бу хонадонлар аҳолиси киши мавсумини ҳеч қандай муаммоларсиз ўтказаяпти. Муҳими, мамлакатимизда инсон омили олий қадрият даражасига олиб чиқилганини ҳис этиб, компанияга бўлган ишонч ортмоқда.

Бу каби бунёдкорлик ва таъмирлаш ишларини кўрган аҳоли собиқ ЖЭКларга қараганда, хизматлар кўрсатиш соҳасида компаниянинг афзалликлари катта эканига гувоҳ бўляпти. Уларга ишончи ортиб, коммунал хизматлар учун тўловлардан қарздорликларни қисқарттиришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳудуддаги “Озодлик” ва Гўзал” МФИларда жойлашган тўрт қаватли уйлар таъмирталаб ҳамда иситиш тизими яхши ишламас эди. Айниқса, 45-даҳа-

даги 2-, 6-, 44-даҳадаги 20-, Хоразм кўчасидаги 26-, 17-, 10-, 36-, 49-, Лоҳутий кўчасидаги 6-, Ешлик кўчасидаги 53- ва 43-уйлар капитал таъмирга муҳтож бўлгани сабабли аҳолидан тушаётган ариза ва талаб ортиб борарди. Айниқса, совуқ кунлари аҳолининг аксарияти қўлбола қурилмалардан фойдалангани оқибатида кўнгилсиз воқеалар содир бўлганини кўпчилик яхши билади.

– Мазкур уйлар бўйича таҳлил ўтказилганда, томлардан доимий равишда чакка ўтиши, ертўлалардаги қувурлар 50 йилдан буён алмаштирилмагани боис чириб, ёзда ҳар хил ҳашаротлар одамларни безовта қилиши, киши мавсумида эса сув босиши туфайли турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани аниқланди, – деди компания директори Татьяна Лихнира. – Муаммони ҳал этиш учун “Йўл харитаси” тайёрлаб, шаҳар ҳокимиятига тақдим этдик, керакли материалларнинг бир қисми ажратиб берилди.

Бутунги кунда юқорида айтиб ўтилган кўп қаватли уйларга четдан назар ташлаган киши яқин йиллар оралигида қурилган бўлса керак, деб ўйлайди. Чунки ҳар томонлама сифатли таъмирланган, томлари янги материаллар билан қопланиб, ертўлалардаги мудда-

тини ўтаган қувурлар замонавийсига алмаштирилиб, йўлакларига асфалт ётқизилган.

Жорий йил бошидан буён бажарилган ишлар натижаси ва аҳолининг янги тизимга бўлган муносабати қай даражада эканини билиш мақсадида маҳаллаларни айланиб, айрим фуқаролар билан суҳбатда бўлдик. Айтиш жоизки, ички ва ташқи таъмирлашдан ташқари, болалар учун 5 та спорт майдончаси қуриб берилган. Шунингдек, уйлар атрофи ва ертўлалардаги ноқонуний қурилмалар ихтиёрий равишда буздирилиб, улар ўрнида замонавий савдо дўконлари, тикиш-бичиш цехлари, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, 50 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган.

– “Озодлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 6-йўлда яшайман, – деди ногиронлиги бор фуқаролардан бири Л. Осипян. – Икки нафар вояга етмаган фарзандларини ёлғиз тарбияляйман. Хонадонимиз 35 йилдан буён таъмирланмаган эди. БСК жамоасидан миннатдорман, яқинда улар ўз ҳисобидан уйимни тўлиқ таъмирлаб, сув қувурлари, ванна ва бошқа камчиликларни ҳам тузатиб, коммунал хизматларидан тўланиб қолган икки йиллик қарзларни ҳам тўлаб беришди.

Йиқилганни суяш ва муҳтожларни қўллаб-қувватлаш азалдан халқимизга хос ҳислат. Қолаверса, ислохотлар жараёнининг бош мақсадларидан бири ҳам шу йўналишга қаратилган. “Ангрен сервис компанияси” тасарруфидаги маҳаллаларда ҳам 30 та хонадонда ҳеч кими йўқ, ногирон ва кўп болали оилалар, ўзгалар қўмағига муҳтож кишилар истикомат қилади. Ҳозирда уларнинг хонадонларидаги барча камчиликлар жамоа ташаббуси билан бартараф этилиб, тўловлардан қарздорлиги қоплаб берилди. Байрам ва бошқа тадбирларда уларни йўқлаб туриш одатга айланган.

Айтиш жоизки, кейинги икки йилда Ангрен шаҳрида ҳам замон талаби бўйича ўндан ортиқ бошқарув сервис компанияси фаолияти йўлга қўйилган. Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларида мазкур компания бошқаларга намуна бўлмоқда. Яқинда “Ангрен бошқарув сервис компанияси” томонидан амалга ошириляётган ишлар вилоятдаги бошқа компанияларга ибрат қилиб кўрсатилди. Буларнинг бари жамоада ўз соҳасини мукамал биладиган, ҳар ишни виждонан бажарадиган мутахассислар жамланганидан далолатдир.

Навқирон шаҳарга ташриф “Бўстонсарой коммунал” БСКдан бошланади



Райҳона ХЎЖЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кўхна Самарқанд нафақат маҳобатли мадрасалари, муқаддас қадамжолари ва осори-атиқалари билан, балки миллий ва замонавий архитектура услублари ҳамоҳанг тарзда барпо этилган янги иншоотлари билан ҳам дунё аҳлини лол қолдиришда давом этмоқда. Айниқса, ўзида барча инфратузилма тармоқларини жам қилган ҳолда барпо этилаётган замонавий массивлардаги уйларда яшаётган аҳолининг қувончи чексиз. Шинам хонадонлар, уйларга яқин жойдаги мактаб, боғча, поликлиника ва дўконларнинг мавжудлиги кимни ҳам қувонтирмайди, дейсиз?



Аммо ана шу замонавий ва кўркем кўп квартиралли уйларнинг ҳам ўзига яраша муаммо ва ташвишлари борлигини бу ерда яшаётган инсонлар яхши билишади. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, бугунги кунда фаолияти йил сайин такомиллашиб бораётган бошқарув сервис компанияларининг хизмати катта эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Хусусан, Самарқанд шаҳрида Фахриддин Хатамов раҳбарлигида фаолият юритиб келаётган “Бўстонсарой коммунал” БСКМЧЖ жамоаси ҳам ўз меҳнатлари туфайли аҳолининг хурматиға сазовор бўлиб келмоқда. 2022 йилда ташкил этилган бошқарув компанияси аҳолининг ишончини қозониш йўлида тинмай меҳнат қилди, изланди, ўрганди. Фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида нафақат юртимиздаги, балки хориждаги бошқарув компаниялари тажрибаларини ҳам ўрганишдан чарчамаган жамоа аъзолари эришган натижа ҳам шунга яраша бўляпти.



Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган мақолга яхши амал қиладиган компания жамоасининг асосий ютуғи ҳам шундандир, балки.

– Бугунги кунда компаниямизда 22 нафар ходим меҳнат қилмоқда, – БСК раҳбари Фахриддин Хатамов. – Уларнинг ҳар бири ўз ишининг устаси. Коммунал соҳада ишлашнинг ўзига яраша мароқли ва муаммоли томонлари мавжуд. Қийин томони – кунига зўлаб характердаги кишилар билан тил топишиш, бировни ака, бировни опа деб муаммосини ҳал қилиш учун кўнгли кенг ва сабрли бўлиш талаб этилади. Қувонарли жиҳати эса, бирор масала юзасидан мурожаат билан чиққан аҳолининг муаммосини ҳал қилиб берганимизда, улар хурсанд бўлиб, бир оғиз раҳмат айтганида барча чарчогимиз чиқиб кетади. Бугунги кунда аҳолига коммунал тўловларни тўлаш бўйича ҳам катор имкониятлар яратилган. Хусусан, “Менинг уйим”

электрон тизими орқали фуқаролар олдингидек вақтини сарфлаб, тўлов учун узоқ масофага бориши шарт эмас. Биргина мобил алоқа воситаси орқали барча коммунал тўловларни бир зумда тўлаши мумкин.

“Бўстонсарой коммунал” БСКнинг кўп квартиралли уйларга самарали хизмат кўрсатишида моддий-техник воситалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда компания ишчи-ходимларига Дамас, ГАЗ-53, Лабо, матароллер, газанасилка, бензопила, перфоратор, сантехник тўплами, электр жиҳозлар тўплами, газогарелко, сув насоси, дрель, генератор, бўёқ компрессор каби техника ва жиҳозлар асқатмоқда.

Бошқарув компаниясида қўшимча хизматлар ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали кўплаб инсонларнинг ҳолати чиқарилмоқда. Хусусан, гилам ювиш, Акфа ромлар ишлаб чиқариш цехи, дарвозалар ясаш ҳамда даставка хизмати орқали кўпчиликнинг оғирини енгил қилаётган компания жамоасидан аҳоли ҳам мамнун. Бу ишларни амалга оширишда кадрлар бўлими бошлиғи Хилола Шукурова, худуд бошқарувчиси Бахтиёр Ҳамидов, сантехниклар Игорь Марков, Рустам Пардаев, электрик Руфат Рашидов, фаррошлар Дилшоода Элмуродова, Мафтуна Қосимова, Дилафруз Эшқувватова, обodonлаштириш ходими Акбар Аннаев каби фидойи ишчилар катта хисса қўшиб келмоқда. Оператор Ўқтам Рамазонов эса фуқаролар билан ишлаб, онлайн қардорлик масалалари бўйича ва бошқа янгиликларни етказиш мақсадида оғохантериш хатлари ҳамда смс хабарномалар юбориш билан шуғулланади.

Мухими, навқирон шаҳарга ташриф “Бўстонсарой коммунал” БСКдан бошланади, десак муболага бўлмайди. Зеро, бошқарув компанияси хизмат кўрсатадиган худуд айнан Самарқанд шаҳрига қираверишда жойлашган. Аэропортдан вилоят ҳокимияти биносигача босиб ўтиладиган худудда фаолият юритишнинг ўзига яраша завқи билан бирга масъулият ҳам борлигини Фахриддин ака шундай изоҳлайди:

– Шаҳримизга нафақат Ўзбекистон, балки хорижлик сайёҳлар ҳам кўп ташриф бу-юришини биласиз. Шу боис,

меҳмонлару сайёҳларда шаҳар ҳақидаги илк таассурот чиройли бўлишини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Регистон мажмуаси, Гўри Амир ва биринчи Президентимиз Ислам Каримов макбаралари, Сиеб бозори каби муҳим худудларнинг кўркемчилигини, тоза ва озодчилигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ходим масъулият билан меҳнат қиладди. Чиройли гуллар, манзарали дарахларни парваришлаб, масжид мадрасалар, шинам ва тоза ошхона ҳамда дўконлар ҳар қандай инсоннинг бахри-дилини очishi шубҳасиз.

“Бўстонсарой коммунал” БСК Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан илк маротаба ўтказилаётган “Энг яхши бошқарув органи” кўрик танловида вилоят босқичи голиби сифатида Республика босқичи иштирокчисига айланди. Ушбу ютуқ ҳамда 18 апрель – Коммунал соҳа ходимлари куни билан жамоани табриқлаймиз. Келгусидаги ишларига омад ёр бўлсин!



Ҳар ким ўз элида даврон суради,
Мардлар элин тўғри йўлга буради.
Усмон АЗИМ.

Юксак марралар ҳали олдинда

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ва сифатли ҳаёт тарзи яратишдир. Бунда эса коммунал хизматларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун соҳа фаолиятини тўғри ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун республика жанубида коммунал соҳа ривожига ўзининг беминнат хиссасини қўшаётган Садриддин Отақулов ва унинг бошқарув сервис компанияси ҳақида сўз юритамиз.



У Сурхондарё вилоятидаги энг фаол ва тажрибали раҳбарлардан бири. 35 йилдан ортиқ меҳнат стажи ва кенг қамровли иш тажрибасига эга. Турли соҳалардаги муваффақиятлари, давлат ва жамиятга қўшган хиссаси билан эл орасида хурматга сазовор бўлган инсонлардан.

Бойсун туманида таваллуд топган Садриддин Отақулов ёшлигидан тирришқоқлиги, киришувчанлиги билан ажралиб турган. Унинг меҳнат фаолияти ва машаққатли ҳаёт йўли фидойиликка йўғрилган, десак адашмаймиз. 1985 йилда Бойсун туманидаги “Ма-чай” давлат хўжалиги чилангари сифатида фаолиятини бошлаган. Касбий малакаси ва меҳнатсеварлиги туфайли ҳар бир лавозимда ўзининг ишончлилигини кўрсата олди. Кейинчалик Термиз шаҳри “Совавто-Термез” автокорхонасида чилангар бўлиб ишлаган ва харбий хизматни муваффақиятли ўтаган. Ўқишга бўлган иштиёқи уни 1989 йилда Красноярск давлат техника университети томон етаклади. Мухандис-механик мутахассислигини эгаллаган С. Отақулов билимини амалиётга татбиқ қилиш мақсадида Термиз шаҳар 20-автокорхонасида механик сифатида ишлай бошлади. 1996 йилдан 2000 йилгача турли корхоналарда таъминотчи ва директор лавозимларида ишлаб, тажриба орттирди.

2000 йилдан бошлаб у “Эшонқул-Ота” фермер хўжалиги таъминотчиси сифатида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 2005 йилда “Родник” уй-жой мулкдорлари ширкатига раис этиб сайланди ва бу лавозимда 12 йил давомида аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга эътибор қаратди. 2017 йилда Сурхондарё вилояти Уй-жой коммунал хизматлари бошқармаси ҳузуридаги “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхонаси директорилигига тайинланди. Ушбу вазифа давомида у хизматларни замонавийлаштириш ва ривожлантиришга улкан хисса қўшди.

2021 йилдан буён Термиз шаҳридаги “Сарвар-Термиз-Сервис” бошқарув

сервис компаниясига раҳбарлик қилмоқда. Бугунги кунда ушбу компания кўп қаватли уйларнинг коммунал эҳтиёжларини қондириш бўйича муваффақиятли фаолият юритмоқда ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Қаҳрамонимизнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти нафақат иқтисодий ривожланиш, балки жамиятга хизмат қилишни ҳам ўз ичига олади. Унинг раҳбарлик тажрибаси ва ўз касби-га бўлган фидойилиги бошқаларга ўрнак.

Айтиш жоизки, у оддий чилангарликдан раҳбарликка қадар бўлган мураккаб йўлни матонат билан босиб ўтди. Унинг иш услуби ҳар доим ҳалоллик ва масъулият тамойилларига асосланган. Бу компаниянинг асосий вазифаси кўп қаватли уйларнинг таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларини олиб боришдир.



Бугунги кунда, “Сарвар-Термиз-Сервис” компанияси 40 нафар доимий ва 20 нафар мавсумий ишчи билан 123 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади. Компанияда 13 та асосий ва 30 дан ортиқ қўшимча хизмат турлари мавжуд. Бу хизматлар аҳолининг кундалик эҳтиёжларини тўла қондиришга ва шаҳар инфратузилмасини юксалтиришга қаратилган. Компаниянинг техник базаси ҳам барқарор ва самарали ишламоқда. Бугунги кунда компания моддий-техник базаси таркибида 2 дона “Дамас”, 2 дона “Лабо”, 1 дона “Кобальт” русумли автомашиналар, 1 та самосвал, электро муравейлар бор. Бу транспорт воситалари аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, компания майда механизм ва ускуналар билан таъминланган бўлиб, кундалик таъмирлаш ишлари самарали амалга оширилади.

Бошқарув ташкилотининг аҳоли билан боғлиқ муаммоларини ўз вақтида ҳал қилишга бўлган муносабати ҳам жуда муҳим. Садриддин Отақулов туну кун аҳоли мурожаатларини ўрганиб, тезкор ва самарали ишлашга интилади. Сўзимизнинг исботи ўлароқ 24/7 узлуксиз ишлайдиган авария диспетчерлик хизматини келтиришимиз мумкин. Бу хизмат аҳолининг ҳар қандай фавқулодда вазиятларда тезкор ёрдам олишини таъминлайди. Шунингдек, қаҳрамонимиз шахсий ташаббуси билан махсус телеграм-бот ишга туширилган, бу аҳолининг мурожаатларини янада тез ва қулай тарзда қабул қилиш имконини беради.

2017 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган Садриддин Эшонқуловичнинг меҳнат фаолияти ва хизматлари ҳар томонлама намуна бўлиб, ўз соҳасидаги етакчиларидан бири сифатида эътироф этилган. 2022 йилда “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўрак нишон билан тақдирланган. Унинг муваффақиятлари фақатгина профессионал тажрибаси ва етакчилик қобилиятларига эмас, балки аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга бўлган катта масъулият ва ишончга ҳам боғлиқ. У ўз фаолиятида инновацион ёндашув, оқилона бошқарув, энергия тежамкорликка алоҳида урғу қаратади. Қолаверса, 2025 йилда ўтказилаётган “Энг яхши бошқарув органи” кўрик-танловида вилоят босқичи голиби сифатида Республика босқичи иштирокчисига айланди. Ушбу муваффақиятлар замирида ҳар бир жараёни кўнуний меzonлар асосида юритиш, ҳалол ва тўғрилиқка асосланган қадриятлар турadi.

Ўз жамоасини мустақкам ришталар билан жишлштириш олгани ҳам таҳсинга сазовор. Табигатан талабчан,

янгиликларга очик бўлган Садриддин Отақуловнинг режалари катта. Соҳага тадбиркорлик нуктаи назари билан ёндашиб, компанияни янада кенгайтириш асосий кун тартибидagi масалаларидан бири. Ходимларга вақтида маош берилишини жиддий назорат қиладди. Байрамларда фаол ишчиларни моддий рағбатлантиради. Жамоада гендер тенгликка амал қилиб, аёлларга алоҳида ҳурмат асосида муносабатда бўлинади.

Хўлоса қилиб айтганда, Садриддин Отақулов каби ўз касбини яхши кўрадиган, халққа холис хизмат қиладиган раҳбарлар сони кўпаяверсин. Байрам муносабати билан “Сарвар-Термиз-Сервис” бошқарув сервис компанияси жамоасига мустақкам соғлиқ, касбий муваффақиятлар, оилавий тотувлик тилаймиз. Юксак марралар ҳали олдинда, эзгу ишлар йўлида асло чарчашмасин.



Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатобод – Наманган шаҳри таркибидаги кенжа туманлардан бири. Худудда минглаб аҳоли кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Хукуматимизнинг эътибори туфайли кейинги йилларда бу ерда ҳам янги лойиҳалар асосида турли кўринишдаги иншоотлар қурилгани ҳисобига туман ижтимоий инфратузилмаси замонавий тусга кирди. Қолаверса, аҳолининг турмуш даражаси ҳам тубдан ўзгарди.

Ислохотлар самараси натижасида янгилан-нишлар сари дадил одимлаётган туманда на-фақат ишлар қизғин кетмоқда, балки ҳар соҳа-даги изланишлар аввал синаб кўрилиб, сўнгра, қутилган натижани бергани учун бир қанчаси Наманган тажрибаси сифатида вилоят ҳамда

ТАЖРИБА ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

республика миқёсида оммалаштирилаётган таҳсинга сазовор. Бу жараёнда 2021 йил яна бир тажриба – республикада биринчилардан бўлиб, Давлатободдаги кўп қаватли уйлар ми-солида ҳаётга татбиқ этилгани туфайли ундан иборат олинди. Унинг самараси ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича қулайликлари барчага маъ-кул келмоқда. Бу тажриба Зулхумор Полвонова бошчилигидаги “Фаёзбек-Нигина” масъулияти чекланган жамияти бошқарув сервис компания-сида қўланганди.

2021 йилда худуддаги 1-кичик тумандаги 55 та кўп квартиралли турар жойларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган “Фаёзбек-Нигина” масъулияти чекланган жамияти ташкил этил-гач, энг аввало, Зулхумор Полвонова уйларга тегишли худудлар ва хизматлар кўрсатиш бў-йича қилинган ишлар билан қизиқди.

Жамият тасарруфидаги уйлар қурилганига кўп йил бўлганига қарамай, охириги даврда би-рортаси ҳам мукаммал таъмирланмаган, кириш йўлақларидаги эшик-ромлар йўқ ҳисоби, бор-лари эса абгор ҳолда, иситиш тизими ва ертўла-лардан хонадонларга узатиладиган ичимлик ҳамда оқова сув қувурлари чириб, издан чиққан эди. Пиёдалар йўлакчаси ва спорт майдончала-ри, кўнгилочар жойлар хусусида эса гапирмаса ҳам бўларди. Аҳолининг бу муаммоларини бар-тараф этиш бўйича аҳоли билан йиғилиш ўтказ-ди. Икки йил оралигида жамиятнинг аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасида амалга оширишга йўналтирилган дастур ва вазифалари билан та-ништирди.

Аввалги тизимдагилар ҳам ҳисобот йиғи-лишларида жуда кўп ваъдаларни берган, амалда эса бирорта иш қилинмаганидан ҳафсаласи пир бўлган кишиларни шундай вазиятда ишонти-риш, улар билан ҳамжиҳатликда ишлаш жамият раҳбарига осон бўлмади. Янги тизимнинг қулай-лиги ва афзалликларини амалда исботлашга ки-ришди. Ишни ертўлалардан бошлаб, қисқа давр оралигида 20 та кўп қаватли уйдаги сантехника тармоғини янгиледи. Хонадонларда ичимлик ва оқова сув таъминоти яхшиланди. Шунингдек, уйлар худудида ноқонуний қурилган қурилма-ларни ихтиёрий равишда бузириб, улар ўрни-

га болалар ва катталар учун спорт майдонлари, йўлақлар ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи сав-до расталари қурдирди.

Навбатдаги босқичда, ўндан ортиқ уй-нинг том қисми, фасадига ишлов берилди ва эшик-ромлари янгисига алмаштирилди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, қа-рамоғида ҳеч кими бўлмаган кишилардан бир нечтасининг хонадонлари жамият ҳисобидан таъмирлаб берилиб, коммунал хизматлардан қарзларининг бир қисmini қоплашга кўмакла-шилди. Уйларнинг ён-атрофи ободонлашти-рилиб, турфа гуллар, мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтказилгани натижасида ҳу-дуд янада гўзал ва обод масканлардан бирига айланди.

Аҳолига қулайлик яратиш бўйича қисқа даврда амалга оширилган ишлар одамларнинг ҳам эътиборини тортиди. Муҳими, БСК олиб бо-раётган саъй-ҳаракатларнинг истиқболи порлоқ эканини фуқаролар чин дилдан ҳис эта бошла-дилар. Атиги бир йил оралигида янги тизим орқали кўп қаватли уйларда истиқомат қилаёт-ганлар учун хизмат кўрсатишнинг афзалликла-рини амалда исботлаб берган жамият жамоаси-дан бутунги кунда 3058 та хонадонда яшаётган кишилар миннатдор. Беш йилдирки, бу мин-натдорликнинг рамзи ҳисобот йиғилишларида айнисса, кўзга яққол ташланиётти. Яъни, режага қиритилган барча ишларда фуқароларнинг фаол иштироки таъминланиши одатга айланган ва уларнинг тақлифлари инобатга олинади.

Кўп қаватли уйларда яшовчиларга хизмат кўрсатиш бўйича БСКлар фаолияти аввалги тизимга қараганда минг қарра афзал экани-ни ўттиз саккиз нафар ишчи-ходимни ўзида бишлаштирган “Фаёзбек-Нигина” масъулияти чекланган жамияти жамоаси амалда исбот-лаб, иборат кўрсатиб келяпти. Шу кунларда ҳам вилоят худудларидаги турдош қорхоналардан мутахассислар келиб, уларнинг тажрибасини ўрганиб, ўзларида татбиқ этишмоқда. “Фаёз-бек-Нигина” БСКнинг “Энг яхши бошқарув ор-гани” Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлгани ҳам ана шу тажриба-нинг амалдаги исботидир.



“ЯХШИЯМ СИЗЛАР БОРСИЗЛАР...”

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистоннинг ҳар бир соҳасида фидойи ва ишига садоқатли мутахассислар бор, аммо умрининг салмоқли қисmini коммунал соҳа ривожига бағишлай олган инсонлар кам топилади. Коммунал хизматлар соҳасидаги сидқидилдан қилинган меҳнат ва муваффақиятлар Абдурахим Юсупов каби инсонлар фаолиятида мужассамлашган. Унинг узоқ йиллар давомида амалга оширган ишлари, жамиятга қилган хизматлари, шунингдек, раҳбарлик қилаётган “Сихатсаломатликстрой” бошқарув сервис компаниясининг ўзига хос ютуқлари, нафақат соҳанинг ривожига, балки аҳолининг фаровонлигига ҳам катта ҳисса қўшди.

Абдурахим ака 1967 йилда На-манган вилоятининг Чуст туманида дунёга келган. 1990 йилда Антрэн шаҳридаги қурилиш техникумини тамомлаганидан сўнг, ўзининг катта меҳнат фаолиятини Тошкент вило-ятининг Олмалиқ шаҳрида бошлаган. Дастлабки йилларда у “Ўзбекистон” совхозида, сўнгра Тошкент давлат университетининг Иқтисодиёт фа-культетида кичик илмий ходим сифа-тида иш бошлаган. Шу билан бирга, у Олмалиқ шаҳридаги Коммунал хўжа-лик бўлимида бир қатор лавозимлар-да фаолият юритди. 1993 йилда ушбу ташкилотнинг бошлиқлигига тайин-ланиб, ўзининг юқори профессионал малакаси ва раҳбарлик қобилияти билан кўплаб ютуқларга эришди.

2000 йилдан 2021 йилгача Ол-малиқ шаҳридаги “Уй-жой хизмати” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқариб келган, 2005 йилдан ҳозирги кунгача “Сихатса-ломатликстрой” компаниясининг раҳбари си-фатида фаолиятини давом эттириб келмоқда. Унинг бу соҳадаги карьераси ва раҳбарлиги давомида компания нафақат йирик коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича муваффақиятлар-га эришди, балки аҳоли учун зарур бўлган қў-шимча хизматларни жорий этишда ҳам етакчи ўрнини эгаллади. Абдурахим ака изланувчан инсон, коммунал соҳа бўйича Германия, Рос-сия, Қозоғистон каби давлатларга сафар қилиб, соҳадаги энг сўнгги янгилликлари жорий қи-лиш ва одамларнинг файзли ва бахтли ҳаётига ҳисса қўлишни ўзининг бош шioriга айлан-тирган.

2005 йилда ташкил топган “Сихатсаломат-ликстрой” компанияси, қисқа муддат ичида ўзининг юқори сифатли хизматлари билан та-нилиб улгурди.



– Бу соҳага қирган инсон ҳоҳатбарор бўла-ди, қанча одамга ёрдам берса, шунча кучга тў-либ боради, – деди қаҳрамонимиз. – Инсон бу касбини пули учун севмайди, самимий одам-ларнинг қалбига, муаммоларига яқин бўлиб яшайди. Шунданми, уларни ёлғизлатгиси кел-майди, умри ва ҳаётини инсонлар турмушини яхшилашга сафарбар қилади. Бу касб шуниси билан фахрли, пайти келса, машаққатли. Аммо одамларнинг “Яхшиям сизлар борсиз” деган биргина рағбати билан кўнглимиз ёришади. Мен тақдиримдан, бу касбини танлаганимдан ҳеч афсусланмайман.

Дарҳақиқат, аҳоли Абдурахим ака ва унинг жамоасини ҳурмат қилади. “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўрак нишони-га сазовор бўлгани ҳам қаҳрамонимизга ўзга-ча масъулият юклаганини алоҳида қайд этиб ўтди. Одамлар ҳам уларнинг меҳнатини муно-сиб баҳолаб, ҳар ойлик коммунал тўловларни 100 фоизга чиқариб қўйишади. Бу ишончнинг, ҳамжиҳатликда ривожланиш нишонасидир. Айни дам компания 39 та кўп қаватли уйни бошқариб, 40 нафар профессионал ходимни ишга олган. Компания хизматлари кўп қаватли



уйлар ва у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг фаровонлигини оширишга қаратилган. Компа-ния бир вақтнинг ўзида шлакаблук, брусчат-ка-кафель ишлаб чиқариш, чиқиндиларни олиб чиқиш каби қўшимча хизматларни ҳам тақдим этади. Бу хизматлар фақатгина компа-ниянинг ўзи билан чекланиб қолмай, бутун Ўзбекистон миқёсида самарали ва ишончли хизматлар сифатида баҳоланмоқда.

Компаниянинг моддий-техник базаси ҳам йилдан йилга бойиб бормоқда. 1 дона ИСУ-ЗУ махсус транспорти, офис техникалари ва бошқа илғор жиҳозлар компания ўз фаоли-ятини самарали тарзда юритишига имкон яра-тади. Юқоридаги омиллар компания хизмат-ларининг сифатини юқори даражада амалга оширилишига замин ҳозирлайди. “Сихатса-ломатликстрой” жамоасининг муваффақияти нафақат технологиялар ва инфратузилмага, балки унинг ходимларига ҳам бориқ. Компа-ния ўз ходимларига барча зарур шароитларни яратган, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келади. Ходимлар ўз ишларини мукамал ба-жариши учун мотороллерлар, скутерлар, алоқа рациялари, махсус кийимлар ва бошқа шаро-итлар мавжуд. Ходимлар ўртасида меҳнат ма-данияти ва ҳамжиҳатлик катта ўрин тутди, бу эса компаниянинг узоқ муддатли муваффақия-тини таъминлайди. Шунингдек, ташкилот мун-тазам равишда ходимлар учун санаторияларга йўлланмалар, байрамларда концерт чипталари ва саёҳатларни ташкил этади.

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақ-садида, “Сихатсаломатликстрой” кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимларини таъмирлаш, оқова қувурларни алмаштириш, худудларда дам олиш масканларини кўпайтириш бора-сида салмоқли ишларни ҳам амалга ошириб келмоқда. Энергия тежовчи лампаларни ўр-натган ва бошқа экологик тоза технологиялар-ни жорий этган. Бу ишларга қатъий эътибор қаратиш орқали компания нафақат аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга, балки атроф-муҳитни озода сақлашга ҳам муваффақ бўлмоқда.

Компаниянинг келажақ режалари катта. Улар нафақат мавжуд хизматларни яхшилаш, балки янги ва қўшимча хизмат турларини жорий этишни ва бошқарувни янада самара-ли ташкил қилишни режалаштирмоқда. Қо-лаверса, халқимизга ўзига хос янгилликлар ва сюрпризлар тайёрламоқда. Биз ҳам буни сир қолдириб, Олмалиқ аҳлига яхшиликлар мужда-сини бериш билан чекландик. Абдурахим Юсу-пов бошчилигидаги “Сихатсаломатликстрой” компанияси ўзининг фидойилиги, тажрибаси ва инновациялари билан коммунал хизматлар соҳасида юксак марраларни забт этишда давом этмоқда. Жорий йил ўтказилган “Энг намуна-ли бошқарув органи” танловида Тошкент ви-лояти босқичида тенгсиз деб топилиб, респу-блика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Яхшиларнинг минбари бўлмайди, улар ҳар дам Ўзбекистоннинг назарида. Ўз навбатида, Коммунал соҳаси ходимлари қуни муносаба-ти билан “Сихатсаломатликстрой” жамоаси номидан барча соҳа фидойиларини байрам билан табриқлаймиз. Савобли вазифа йўлида ҳорманг, деймиз!



Худудимиздаги ободлик ва орасталикка шаҳар аҳолиси ҳавас қилади

Учқун АББОСОВ, Самарқанд шаҳридаги “Нуриддин қурилиш сервис” МЧЖ шаклидаги профессионал бошқарув сервис компанияси директори.

Самарқанднинг “Микрорайон” худудида кўп қаватли уйлар кўп. Уларнинг асосий қисми ўтган асрда барпо этилган. Компаниямиз ана шу уйларнинг 63 тасига хизмат кўрсатади. Уларда 3561 та хонадон мавжуд. Худудда 5 та нотур жой ҳам бор. Худудимиздаги ободлик ва орасталикка шаҳар аҳолиси ҳавас қилади.

Хизмат жараёни ҳақида гапирилганда, унинг фақат мактовлардан иборат эмаслигини, муаммолар ҳам мавжудлигини яширишнинг хо-жати йўқ. Ўзимизча “дом” чилик деймиз. Чунки, квартираларнинг бирида совуқ, иккинчисида иссиқ сув етказиб беришда муаммо туғилади, узилтишлар юз беради. Хонадонлардаги сув узатиш жўмрақларининг эскириши, яроқсиз ҳолга келиб қолиши кўпинча ноқулайликларни юзага келтиради.

Айтиш керакки, кўп қаватли уйларда совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланиш тартиб-қоида-ларига ҳамма ҳам бирдай риоя қилавермайди. Оқибатда, айрим хонадонларда сув танқислиги ёки тескараси – сув тошқинлари юзага келади. Бундан қуйи қаватда яшовчилар кўпроқ азият чекишади. Албатта, бундай ноқуш воқеаларни бартараф этгандан кўра, уларнинг олдини ол-

ган маъкул. Аммо хонадонида сув билан беглиқ бундай ноқулайликлар ҳақида аҳоли томонидан ҳамиша ҳам хабар берилмайди. Оқибатда мод-дий зарардан ташқари, қўшнилар ўртасида кел-лишмовчиликлар ҳам юзага келади.

Компаниямизда “Менинг уйим” электрон платформасининг мавжудлиги худуддаги аҳо-лининг коммунал тўловлардаги ҳисоб-китобла-рини тартибга келтиришда муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Электрон тўловлар учун илгари бундай имкониятлар йўқ эди. Энди эса бу масалада ҳеч қандай муаммо қузатилмаётти.

Тозалик масаласи ҳам доимий эътиборда-ги юмушлардан ҳисобланади. Бу борада хо-димлардан Бекзод Холиков, Иброҳим Аходқу-лов, Зухриддин Исроилов, Ўлмас Аҳмедов, Жаҳонгир Аббосовнинг фидойилиги, самарали меҳнатлари ҳақида алоҳида гапиришимиз ке-



рак. Ҳар бир уй атрофи, йўлақларининг тоза-озода сақланиши уларнинг нигоҳларидан асло четда қолмайди.

Яна бир эътиборли масала. Биз, коммунал-чиларнинг касб байрамимиз айни кўкламда, баҳор ўз сеппини бутун табиатга ёйган фусункор бир пайтда нишонланди. Барча ҳамкасбларим-ни касб байрами билан муборакбод этаман.



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ tizimining afzalliklari kўp

Ҳозирги кунда энергиятежамкор ресурсларни ишга тушириш орқали илғор технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат раҳбарининг 2019 йил 2 декабрдаги “Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ республикамиз ҳудудларида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Наманган вилоятида ҳам керакли даражада тажриба тўпланди.

Шу мавзуда мухбиримиз Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ вилоят “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонаси раҳбари, механик-муҳандис Нурбек ВАЛИЕВ билан суҳбатлашди.

– Марказлашган қозонхоналар нафақат таъминотда, балки иқтисодий томондан ҳам зарарга ишлаётгани туфайли уларни модернизация қилиш ҳисобига локал тизимга ўтилган, унинг самараси қандай бўляпти?

– Вилоятда иссиқлик таъминоти соҳасини замон талабига мослаштириш юзасидан маҳаллий ечимларни жорий этиш доирасида энергия самарадорлигини ошириш ва марказлашган тизимларга қарамликдан воз кечиш мақсадида шаҳардаги маҳаллаларда жойлашган кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектларда тажриба тариқасида 2020 йилдан локал иситиш тизими ўрнатилди. Хонадонларни иситиш ва иқтисодий тежамкорлик жиҳатидан бу тизимнинг афзалликлари кўп экан. Масалан, марказлашган қозонхоналарда ишлаб чиқарилаётган манба учун бир соатда бир неча миллион сўмлик газ ёки электр энергияси сарфланар эди. Локал иситиш муқобил тизими ўрнатилган, бу йўқотишлар 15-20 фоизга камайди.

Шу ўринда айтиш керакки, локал сўзи маҳаллий деган маънони англатиб, бир соатда 5 ГКалдан кам бўлмаган иссиқлик ишлаб чиқариш қувватига эга қозонхоналарга нисбат берилган. Улар кўпроқ кичик ҳудудларни иссиқлик манбаи билан таъминлашга мўлжалланган ва битта уй, мактаб ёки кўп қаватли квартира учун хизмат кўрсатади. Фаолияти катта қозонхоналар сингари мураккаб эмас, газ, электр ёки кўмир, ўтин каби қаттиқ ёқилги билан ишлайди. Аввалги иситиш тизимидан устунлиги шуки, энергия-тежамкор, иситиш ёки иссиқ сув фақат керакли жойда ишлатилади, қўлайлиги эса зарур ҳарорат қозонхонанинг ўзида осон бошқарилади.

– Марказлашган қозонхоналардан фойдаланган кўп қаватли уйларда яшовчилар кўп мавсумида таъминотда тез-тез узилишлар бўлгани ва зарур манба вақтида етказиб берилмаётгани ҳақида жуда кўп муурожаатлар қилишарди. Локал иситиш тизими амалда татбиқ этилганидан сўнг аҳвол ўзгардим, фуқаролар қайси жиҳатдан ютапти ва уларнинг бу янгиликка муносабати қандай, мутахассис сифатида ўзингиз шу масала билан қизиқиб кўрганмисиз?

– Албатта, марказлашган қозонхонадан чиқаётган иссиқлик, масалан, 18 фоизни ташкил қилган бўлса, кўп қаватли уйга кириб боргунича 10, ҳатто ундан ҳам камайган. Сабаби, ўртадаги масофа қанча узок бўлса, йўқотишлар ҳам тобора кўпаяверади. Шу ва бошқа жиҳатларни таҳлил қилиш мақсадида вилоятдаги тегишли мутасаддилар иштирокида кўп қаватли уйларда яшовчилар билан локал иситишнинг ишлаши, айтишлик, биринчи қаватда қанча босим орқали иссиқлик қиряптигу, 5- ёки 9-қаватда бу борада аҳвол қандайлиги қайта-қайта ўрганиб чиқилди ва ўртадаги фарқ деярли йўқлиги аниқланди. Иссиқлик етказиб бераётган бу тизим аҳолига бир қатор афзалликлар бераётганини, аввало, коммунал хизматлар учун ортиқча харажатлар камайгани, марказлашган тизимларда носозлик ёки электр энергиясининг ўчиши юз берса, локал тизимга эга бўлган уйлар бу муаммолардан камроқ зарар кўраётганини кўриш мумкин.

Булardan ташқари, экологик фойдаси катта, локаллар кўпинча қайта тикланадиган энергия манбаларига асосланган. Мухими, бунда углерод гази бир неча фоизга камайиб, атроф-муҳитта зарар пасаяди. Аҳоли учун бу соғлом ва барқарор муҳит яратади. Унинг яна бир афзаллиги хонадонлардагиларга ресурслардан ўз эҳтиёжига қараб фойдаланган ҳолда иситиш ёки сувни истеъмол қилишни ўзларига мослаб олиш имконини беради. Тизим фақат битта бинога хизмат кўрсатгани боис носозликларни тузатиш ва тез хизмат кўрсатиш осон кечади, чунки бу муаммони ҳал қилиш учун катта инфратузилмага боғлиқлик йўқ.

– Марказлашган қозонхоналар бундан кейин истеъмолга яроқсиз бўлиб қоладими, уларни локал тизимда муқобил равишда ишлатиш учун нималар қилиш керак?

– Локал ва марказлашган қозонхоналар иссиқлик таъминотини ташкил қилишда турли ёндашувларни ифодалайди, уларда ўзига хос фарқлар бор. Ўрнатилиш ва хизмат кўрсатиш миқёси локал битта бинога мослаштирилади ва объектга яқин жойда жойлашгани учун энергия йўқотишлари минимал даражада бўлади, қувурлар қисқалиги сабабли иссиқлик йўлда совумасдан тез етиб боради. Марказлашган қозонхона эса бутун шаҳар ёки туманга хизмат кўрсатади. У иссиқликни узок масофага узатади ва йўлда 20-30 фоизгача манба йўқотилади. Бу ҳолат эски трубалар ва изоляция муаммолари ҳисобига янада қучайиши мумкин. Марказлашган қозонхонада кичик бир носозлик бутун ти-

зимга таъсир қилиб, кўплаб истеъмолчиларни иссиқликсиз қолдириши мумкин. Харажатларда ҳам тафовут бор. Масалан, марказлашганда катта миқёсли инфратузилма қуриш учун жуда кўп харажат талаб қилинади. Икки тизим ўртасидаги тафовутни қисқартириш учун марказлашган қозонхоналардаги муддатини ўтаб бўлган эски ускуналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш зарур. Шунингдек, узок масофага узатиладиган қувурларнинг аксар қисми чириб бўлган, изоляция материаллари ҳам талаб даражасида эмас. Асосан мана шу жиҳатларга эътибор қучайтирилса, иссиқликни етказиб беришда мавжуд қозонхоналар локалдан кам бўлмайди.

– Вилоятда локал иситиш тизими тўлиқ татбиқ этилса, газ ва электр энергияси бўйича бир йилда қанча тежалиши мумкин?

– Вилоятдаги 18 та қозонхоналар орқали 194 та кўп қаватли уйлар ва 25 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатиб келинган. Йиллик иссиқлик энергияси истеъмоли тахминан 500 миллион кВт соат, деб олсак, марказлашган тизимда 25 фоиз йўқотиш, яъни, 125 миллион кВт соат бўлса, локал тизимда бу 7 фоизга, 35 миллион кВт соат камайдми ва 90 миллион кВт соат энергия тежалади. Харажатларни оптималлаштиришда локал тизими газ ва электр энергиясини самаралироқ ишлатади. Замонавий қозонларнинг фойдали иш коэффициенти 90-95 фоизга етса, марказий қозонхоналарда бу кўрсаткич 50-60 фоиз атрофида. Газ истеъмоли бўйича Наманган вилоятлар орасида юқори ўринлардан бирида

туради. Агар иссиқлик учун йиллик газ истеъмоли тахминан 200 миллион м³ деб олсак, локал тизимга ўтиш билан КПД 20 фоизга ошса, йилга 40 миллион м³ газ тежалиши мумкин.

– Иссиқлик таъминоти тизимини маҳаллийлаштириш юзасидан жорий йилда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Кўп қаватли уйлар ва маҳаллий корхоналар учун энергия тежовчи газ ва электр қозонларини ўрнатиш ишлари жадаллашмоқда. Масалан, 2021-2022 йилларда бошланган тажриба тежамкорлик бўйича юз фоиз натижа берди. Бу кўрсаткич 2025 йилда фаолиятни кенг шакллантиришга йўл очмоқда. 2023 йилда бошланган давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар доирасида локал тизимни қўлайтириш билан бирга марказий қозонхоналарни модернизация қилиб, уларнинг самарадорлигини оширишга киришилган. Иссиқлик йўқотишларини камайтириш учун изоляция материаллари ва замонавий қувурлар ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Махсус тажрибага кўра, Тўрақўрғон туманида иссиқхоналар ва ижтимоий объектлар учун локал иситиш тизимларини ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу лойиҳалар кенгайтирилиб, қишлоқ жойларда ҳам локаллаштиришга киришилди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида эса локал иситиш тизимларини янги-ланган электр тармоқлари билан интеграция қилиш ишлари жадаллашмоқда. Бу ҳаракатларнинг барчаси аҳолининг иссиқлик ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Andijon viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Uy-joy kommunal xizmat
ko‘rsatish sohasi fidoyilarini

18-APREL –
Uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatish
sohasi xodimlari kuni
bilan muborakbod etamiz!



Jizzax viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

**Yurtimizda faoliyat
yuritayotgan
uy-joy kommunal
xizmat ko'rsatish
sohasi vakillarini
kasb bayrami bilan
qutlaymiz!**

Bugun mas'uliyatli xizmatlaringiz jamiyat farovonligiga xizmat qilayotganini alohida e'tirof etish kunidir. Sizlarga oilaviy baxt, sog'lik va ishlaringizda yangi yutuqlar tilaymiz!



Toshkent viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Vatanimiz obodligi va aholining farovonligi yo'lidahormay-tolmay mehnat qilayotgan kommunal soha vakillarini

**18-APREL –
Uy-joy kommunal xizmat
ko'rsatish sohasi xodimlari kuni
bilan tabriklaymiz.**

Kelgusidagi faoliyatingizga ulkan omad, salomatlik, tinchlik va oilangizga farovonlik tilaymiz!





Toshkent shahar Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Uy-joy kommunal
xizmat ko'rsatish
sohasida faoliyat yuritib
kelayotgan mehnatkash
yurtdoshlarimizga kasb
bayrami muborak bo'lsin!

Shaharu qishloqlar obodligi va farovonligi – sizning
fidoyilik bilan amalga oshirayotgan mehnatingiz
natijasidir.

Aholining turmush darajasini yuqori pog'onaga olib
chiqishda sizlarga hamisha omad yor bo'lsin.

Farg'ona viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi



18-APREL –
UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH
SOHASI XODIMLARI KUNI
bilan sohaning barcha mehnatkash
vakillarini muborakbod etamiz!

Янги Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари истиқболи

Дилмурод ЮСУПОВ, НамДПИ, Интеллектуал фанлар ва ахборот технологиялари кафедраси в.б. доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори PhD.
Ҳошимжон ҚҶЧҚОРОВ, Физика кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди.

Маълумки, жаҳон ҳамжамиятининг бугунги ривожланиш босқичида энергия истеъмолига бўлган талаб, уни ишлаб чиқариш суръатиға нисбатан анчайин тез ортмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ва ХХІ асрда мамлакатимиз аҳолиси нуфузининг қарийб икки баробарға ўсиши энергиятежамкор технологияларға катта эҳтиёжни юзаға келтирмоқда ҳамда бу масала тобора долзарблашиб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, келгусида давлатнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи энг тўғри меъзон бу вақт бирлигида киши бошиға тўғри келган энергия миқдоридир. Бошқача айтганда, ерости ва ерусти табиий бойликларни қазиб олиш жараёни жадаллашиб бораётган экан, келажакда қайта тикланувчи ҳамда экологик жиҳатдан муқобил энергия манбалари устувор аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ҳолбуки, турли давлатлар ўз географик жойлашуви ва ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу турдаги манбаларни истиқболли ҳисобламоқда. Аспида эса, таъкидлаб ўтилганидек, энергия ишлаб чиқаришдаги барча фойдалаи ва зарарли томонларни ҳисобға олган ҳолда “яшил” иқтисодиётни кенг қўламда жорий этилиши мақсадға мувофиқ. Яъни, ечимини қутаётган муаммоға илмий-назарий ва албатта, чуқур таҳлилий тарзда ёндашилмаса, оқибатда қутилганидек ижобий натижаларға эришиш мумкин бўладими?

Масалан, Жаҳон ядро ассоциацияси ҳисоботларида келтирилган маълумотларға асосланиб айтишимиз мумкинки, электр энергияси ишлаб чиқаришда 1000 Ватт қувватли табиий газ билан ишлайдиган ИЭС бир йилда атроф-муҳитға 13000, кўмир ёқиладигани 165000 тонна зарарли модда чиқаради ҳамда 8 миллион тонна кислородни ютади. ГЭС ва АЭСларида эса кислород сарфи талаб этилмайди.

Бинобарин, халқаро атом энергетикаси агентлиги маълумотларига кўра, дунё миқёсида, айниқса, ривожланган мамлакатларда яшил энергетиканинг улуши тобора ортиб бориши кузатишмоқда. Масалан, қўёш, шамол, геотермал электрстанциялар, кичик гидроэлектр станциялар, биоэнергетик қурилмалар, чиқиндиларни қайта ишловчи технологиялар, денгиз ва океанлар юқори тўлқинлари оқимининг келиши ҳамда қайтиш энергиялари шулар жумласидандир. Вариантларни танлашда буларнинг ўзига хос хусусиятларига, хар жиҳатдан мақбуллигига ва келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларига муносабатни тўғри шакллантириш ҳал қилувчи зарурат ҳисобланади.

Бутунги кунда жаҳонда электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг усули улушларда қуйидагича:

- иссиқлик энергетикаси – кўмир 39 фоиз, газ 22 фоиз;
- гидроэнергетика – сув оқими энергияси 17 фоиз;
- ядро энергетикаси 11 фоиз;
- бошқа турдаги манбалар 11 фоизни ташкил этади.

Демак, ҳозирча асосий манба қазилма ёқилғи ҳисобига тўғри келмоқда. Лекин юқорида айтган сабабларға кўра, уларнинг келажак имконияти кескин камайиб борапти. Шунинг учун айрим мамлакатлар яшил энергия келажакига катта умид билдирса, бошқалари иқтисодиётнинг ривожиде ядро энергетикасини устувор деб баҳоламоқда.

Қайта тикланувчи энергиялар ичида энг омалашгани гидроэнергетика бўлиб, улар кичик ва глобал масштабларда яратилади. Булар қайта тикланувчан манба туриға кирсада, ўзига хос экологик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, сув омбори юзаси катта майдонни эгаллаши билан боғлиқ экологик хавф, аҳолини яшаш жойидан бошқа ерға кўчириш муаммолари, дамбани очилиб кетиш хавфи ва агар тропик майдонларда бўлса “парник эффектига” олиб келувчи газларнинг чиқиши каби масалаларни ҳал этиш керак бўлади. Булардан ташқари, улар учун инвестицияни жалб этиш анчайин мураккаб.

Океанлар сув сатҳи оқими, сув тўлкини ва ерости иссиқлиги электрстанциялари, биоэнергетик қурилмалар ҳамда чиқиндиларни қайта ишлашдан олинадиган энергияларни хозирги кундаги умумий улуши бир фоиздан кам бўлгани учун истиқболи йўқ ҳисоб. Шамол ва қўёш энергетикаси ҳам ижобий ва салбий томонларға эға ва дунё миқёсида қўрилганда тан нари йил сайин тушиб бориши ҳамда фойдали иш коэффициентининг бир оз ортиб бориш эвазига уларнинг сони кескин ортмоқда. Хитой, АҚШ, Япония, Италия, Испания, Германия, Англия ва Франция ушбу энергетикадан фойдаланмоқда.

Технологиясини мукамаллашуви ва таннархини пасайиши ҳисобига уларнинг умумий улуши кейинги тўрт йилда икки мартаға ошди.

Айтиш керакки, барча қайта тикланувчан ва қазилма ёнилғили энергия манбалари қатори ядровий энергия манбалари ҳам экологик муҳит ва инсонға таъсир этадиган ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради. Аҳолининг ядро энергетикасига нисбатан бир оз ҳайқиш билан муносабатда бўлиши табиий бўлиб, уни дастлабки шаклланишида турли хил авариялар, портлашлар, чиқиндилар радиоактивлигини йўқотиш каби муаммолар ўз таъсирини кўрсатган. Япониядаги Фокусимада қурилган АЭСда юз берган авариядан кейин мамлакатда мазкур энергиядан фойдаланишни чеклангани ва озгина муддат ўтгач, жамият ҳаётида кескин ўзгаришлардан сўнг яна қайта фойдаланишға киришилгани АЭСларнинг айрим мамлакатлардаги ўрни беқиёс эканини кўрсатади.

Европа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комиссияси олқишлаган Германиянинг “Energie-wende” дастури 700 миллиард евро сармояға қарамасдан 2025 йилнинг 26 февралиде муваффақиятсизликка учрагани эълон қилинди. Мамлакатда хар 1 кВт соат ишлаб чиқарилган энергия учун карбонат ангидрид гази миқдори 417 граммға тўғри келгани, атом энергетикасидан жадал фойдаланиб келаётган Францияда эса бу миқдор 59 граммни ташкил этгани сабабли Франция билан кичик модулли ядро реакторларини қуриш бўйича ҳамкорликде ишлашни эълон қилди. Бу эса Германия атом энергетикасидан фойдаланишининг янги босқичига ўтаётганини англатади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЕ) маълумотларига кўра, дунёда яқин келажакда 164 та реакторни қуриш режалаштирилган бўлиб, мавжудларидан ташқари Хитойда яна 40 та, Россияда 25 та, Хиндистонда 20 та, АҚШда 18 та, Японияда 9 та ҳамда Жанубий Кореяда 8 та АЭС қурилишға киришилмоқда. Бутунги кунда 60 тасини

қурилиши бошланган. Шунингдек, Туркия, Польша, Вьетнам, Индонезияда биринчи марта атом энергетикаси ривожлантирилляпти.

Демак, булар атом энергетикасининг улуши ортиб бораётганини кўрсатади. Афзал томонлари шундаки, уларни кераклича қувватта эға қилиб тайёрлаш орқали барқарор ва қазилмали ёнилғиларға нисбатан экологик тоза энергия таъминотига эришиш мумкин. Ядро реакторларига қўйиладиган юқори талаблар асосида учинчи авлод реакторлари яратилгани технологик ва техноген турли аварияларни олдини олиш ишлари тўлалигича автоматлашгани, атроф-муҳитға турли радиоактив нурлар чиқарилишини олди олингани, ишлаш жараёнида кислород талаб этмаслиги, карбонат ангидрид гази чиқармаслиги каби қўллаб омиллар туфайли нисбатан экологик тоза энергия манбаи сифатида баҳолаш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг бутуни ва келажакига учун етарлича қувватта ва барқарор таъминотта эға манбалар ўта зарурлигини эътиборға олиб айтадиган бўлсак, Президентимиз томонидан яшил энергетика билан биргаликда ядро энергетикасини ривожлантирилишиға катта эътибор берилиши илмий асосланган ҳамда энг тўғри танланган йўл эканлиги ҳеч қимда шубҳа уйғотмаслиги керак.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз учун зарур бўлган умумий энергия миқдорига яшил энергия ўз улушини қўшсада, улар ёрдамида етарли миқдордаги қувватта эришиш қийин. Қўёш энергетикасининг улуши, гарчи юртимиз серқуёш бўлсада, катта бўла олмайдди. Чунки ҳозир улар фойдали иш коэффициенти пастлиги ва катта юзани талаб этиши билан бирға, вақт давомийлигидаги ишчи юзани дегредацияси (ишчи параметрларни ташқи таъсирлар остида ўзгариб бориши) сабабли узоқ муддат бир хилда энергия билан таъминлаш даражаси ўзгариб боради. Энергия барқарорлиги паст.

Гидроэнергетиканинг улуши эса, юқоридагиларға нисбатан салмоқли бўлсада, табиий



жойлашувға кўра юқори даражада эмас. Буларға дарёлар оқим тезлигининг етарлича эмаслиги, тўғонларнинг қурилиши фойдали майдонларда катта юзали сув хавзаларини ҳосил қилиши, тўғонлар хавфсизлиги муаммоларини юзаға чиқиши ўз таъсирини кўрсатади. Ўртача ва кичик қувватли гидростанциялар қурилиши имкониятлари йирикларига нисбатан анча катта ва экологик тоза бўлиб, тўла энергия таъминотига улуш қўшсада, сув ҳамининг ўзгариб туриши барқарорликни таъминламайди.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолисининг нуфузи ва саноати тез ривожланиб бораётган ўлкамизда барқарор ва етарлича қувватта эға энергия манбасини яратиш ёки глобал масштабдаги гидроэлектр ҳамда атом электрстанцияларининг қурилиши давр талабидир. Айтиш керакки, Россияда қурилган АЭСларнинг техник ва экологик хавфсизлиги жуذا юқори таъминланган бўлиб, қарийб 30 йилдан ортқ вақт мобайнида ҳамон бир хилда ишламоқда. АЭСлар қурилиши бўйича бир қатор давлатлардан Россия билан шартномалар тузишға буюртмалар бор.

Шунингдек, “Росатом”нинг Финляндияға қуришни лойиҳалаштираётган “Хинхикиви” АЭСларининг муваффақиятли якунидан сўнг улар бозори ривожланган мамлакатларда ҳам авж олди. Ўзбекистонда қуриладиган АЭСларнинг янги авлоди тубдан мукамаллаштирилган, турли зилзила ва техноген таъсирларға чидамли, икки қават блокланган ҳолда юқори технологик автоматика асосида радиацияни атмосфераға чиқиш хавфи эҳтимоли нолға яқинлаштирилган. Яъни, хавфсизлиги тўла таъминланган.

Бир суз билан айтганда, Ўзбекистоннинг келажак энергетикаси ривожиде яшил энергетика билан биргаликда ядро энергетикасининг истиқболи юқорилиги, давлатнинг барқарор ва етарлича энергия таъминотига эришиш йўлидаги интилишларига барча фуқаролар онгли равишда хайрихоҳликни намоён қилишлари лозим.

Международная академическая мобильность в сфере высшего образования

Одилжон ХАЙИТОВ, доктор геолого-минералогических наук, профессор, ТашГТУ, академик МАИН.
Алия ТОҒАШЕВА, ассоциированный профессор Каспийского университета технологий и инжиниринга имени Ш. Есенова.
Айдож ЖУМАГУЛОВ, старший преподаватель кафедры Геология месторождений полезных ископаемых, поиски и разведка.

В последние годы академическая мобильность студентов, преподавателей и сотрудников вузов приобрела особую значимость. Осознавая преимущества, которые развитие мобильности приносит для повышения конкурентоспособности университетов, страны и системы образования в целом, а также для формирования единого рынка труда, правительства и различные организации начали активно поддерживать академическую мобильность. Её рассматривают как важный инструмент и одну из ключевых целей Болонского процесса.

Под внешней (международной) академической мобильностью понимается обучение бакалавров, магистрантов и докторантов, а также работа преподавателей и сотрудников университетов за рубежом в образовательных и научных организациях стран ближнего и дальнего зарубежья.

В Республике Казахстан особое внимание уделяется академической мобильности студентов, преподавателей. Это вызвано тем, что академическая мобильность является одним из важнейших направлений процесса интеграции казахстанских учреждений высшего образования в международное образовательное пространство. Миссией образовательной программы “Нефтегазовый инжиниринг” КУТИ имени Ш. Есенова является повышение качества образования для улучшения результатов в области занятости и трудовых навыков работников нефтегазовой отрасли.

Образовательная программа “Нефтегазовый инжиниринг” ведет подготовку высокообразованных, конкурентоспособных, креативных профессиональных кадров в области нефтегазового



инжиниринга, полиязычных и поликультурных личностей, способных стать лидерами в области профессиональной деятельности и обладать компетенциями, соответствующими потребностям современных производственных нефтяных предприятий в Мангистау и прикаспийских регионах РК. Образовательная программа определяет в качестве базовых ценностей патриотизм, гражданскую ответственность, уважение, сотрудничество, открытость.

Академический обмен стал неотъемлемой частью международной деятельности казахстанских вузов, и что особенно важно – показателями индикаторы мобильности стали появляться как индикаторы эффективности деятельности вузов в различных отчетных формах Министерства науки и высшего образования РК.

В 2024-2025 учебном году преподаватели кафедры «Нефтехимический инжиниринг» в рамках международной академической мобильности провели занятия для студентов Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова. Занятия были организованы для студентов образовательной программы «Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений», предоставляя им возможность обучаться под руководством специалистов с международным опытом.

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова (ТГТУ)

– один из старейших вузов Узбекистана, основанный 21 апреля 1918 года. Первоначально созданный как технический факультет при Туркестанском национальном университете, он обслуживал весь регион Средней Азии. В 1923 году факультет получил название Инженерно-мелиоративный факультет, а в 1929 году на его базе был основан Среднеазиатский хлопково-ирригационный институт. В 1933 году этот институт стал фундаментом для уникального технического университета, ставшего важным образовательным центром в Средней Азии.

Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова – один из крупнейших технических университетов Центральной Азии в области авиации, геологии, машиностроения, энергетики, электротехники и автомобилки. В Ташкентском государственном техническом университете работают 5 факультетов, 53 кафед, 1200 профессоров-преподавателей и более 27 тысяч студентов. В настоящее время Ташкентский государственный технический университет готовит специалистов по следующим образовательным программам:

- степень бакалавра, продолжительность – 4 года;
- степень магистра, продолжительность – 2 года;
- докторская степень, срок обучения – 3 года.

Ислама Каримова является одним из ведущих подразделений в области подготовки специалистов для горной и геологической отрасли Узбекистана и Центральной Азии. Кафедра готовит высококвалифицированных инженеров, технологов и исследователей, способных решать актуальные задачи горной отрасли, включая разработку, добычу и переработку углеводородов.

В рамках учебного процесса студенты изучают передовые методы и технологии нефтедобычи, управления скважинами, инженерии пластов, а также осваивают современные методы повышения нефтеотдачи и защиты окружающей среды. Программа кафедры включает теоретическую подготовку и практические занятия, которые проводятся в сотрудничестве с крупными нефтегазовыми компаниями региона.

Преподавательский состав кафедры состоит из опытных специалистов и ученых, многие из которых имеют обширный практический опыт и международные публикации в своей области. Кафедра активно участвует в научных исследованиях, направленных на инновационные решения в сфере добычи нефти и газа, а также внедрение новых методов разработки месторождений. Кроме того, в рамках академической мобильности студенты и преподаватели кафедры имеют возможность обмениваться опытом с зарубежными вузами, участвуя в международных программах и стажировках, что способствует повышению их квалификации и расширению профессиональных контактов.

На кафедре Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений ведется учебная, научно-методическая, научно-исследовательская работа, подготовка, повышение квалификации и переподготовка научных и научно-педагогических кадров, а также организационная, духовно-просветительская и воспитательная работа. Познакомились с профессорско-преподавательским составом. Команда кафедры реализует различные научные и инновационные проекты.

Академические обмены можно рассматривать как средство развития и обновления образовательных программ высшего профессионального образования Казахстана. Это позволяет уйти от замкнутости казахстанской системы образования, добиться признания образовательных программ, реализуемых казахстанскими образовательными учреждениями, на общеевропейском образовательном пространстве, обеспечить прозрачность и признание компетенции и квалификации в целях повышения мобильности обучающихся, повысить конкурентоспособность казахстанских образовательных программ на мировом рынке образовательных услуг.

Президент топшириғи – амалда

Андижон халқаро аэропортида парвозлар йўлга қўйилди



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2023 йилда Андижон вилоятига ташрифи чоғида Андижон аэропортини модернизация қилиш юзасидан қатор топшириқлар берганди.



Шундан сўнг 2023 йилнинг апрелъ ойида аэропорт ёпилиб, реконструкция ишлари бир неча босқичда бажарилиши белгиланди.

Ўтган давр мобайнида аэропортда кенг қўламли қурилиш, реконструкция ишлари амалга оширилди.

Хозирда реконструкция ишларининг биринчи босқичи якунига етказилди. Яъни аэропорт ҳудудида узунлиги 3 минг 300 метр, кенлиги 60 метр бўлган янги 4 Ўе тоифали учиш-қўниш йўлаг, юриш йўлаг ва самолётлар учун тўхташ жойи қурилди,

ёритиш-сигнал қурилмалари ўрнатилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижа-сида аэропортда ноқулай об-ҳаво шароитида ва тунги вақтларда ҳам парвозлар қилиш ҳамда барча русумдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имконияти яратилди.

Иккинчи босқичда йўловчи терми-наlinesи реконструкция қилиш, янги-сини қуриш ва бошқарувга бериш кўзда тутилган.

Ушбу ишларни бажариш бўйи-ча Саудия Арабистонининг “Vision

Invest” компанияси билан музока-ралар олиб борилмоқда. Хамкорлик доирасида хорижий компания томо-нидан 54 миллион доллар, “Uzbekistan Airports” АЖ томонидан 59 миллион доллар маблағ йўналтирилиши режа-лаштирилмоқда.

Натижада аэропортнинг йўловчи ўтказувчанлик имконияти соатига ав-валги 400 тадан 800 тага, парвозлар сони йилига 584 тадан 3 минг 700 тага ортади, йилига 79 минг ўрнига 530 минг нафар йўловчига хизмат кўрса-тишга эришилади.

Фаолиятини қайта бошлаган Анди-жон халқаро аэропортида хозирда Тош-кент-Андижон-Тошкент йўналишида авиапарвозлар амалга оширилмоқда. Халқаро рейсларни йўлга қўйиш бў-йича ишлар олиб бориляпти, деб ёзади ЎзА мухбири Фахриддин Ўбайдуллаев.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан реконструкция қилиниб, қай-та иш бошлаган аэропортнинг йўловчи ташиш имконияти бир неча бор ортди, андижонликлар ва вилоятга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг узоғи яқин бўлмоқда.

Қонун лойиҳасига шарҳ

Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солинади

Бугунги рақамли дунёда сунъий интеллект технологиялари ҳаётимизга, иш фаолиятимизга фаоллик билан кириб келмоқда. Аммо ундан тўғри ва унумли фойдаланилсагина самарали натижага эришиш мумкин.

Афсуски, ҳар доим ҳам қулайлик учун яратилган ихтиро ва янгиликлардан фақат эзгу ниятларда фойдаланилмайди. Худди шундай бүгун сунъий интеллект технологияларидан ҳам турли гаразли мақсадлар йўлида, ноқонуний тарзда фойдаланилаётгани сир эмас. Бу эса ушбу соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда кўзда тутилаётган норма ва янгиликларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳаматова ЎзА мухбири Мухта-рама Комиловага батафсил шарҳлаб берди:

Маълумки, дунёда ахборот техно-логияларининг янги шакллари тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, сунъий интеллект технологиялари нафақат ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари-га кириб бормоқда, балки соҳа ва тар-моқларнинг самарали фаолияти учун ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бутун дунё бўйича сунъий интел-лект технологияларидан фойдаланиш ва бу соҳани молиялаштириш ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, 2023 йилда мазкур йўналишга 154 мил-лиард доллар инвестиция жалб қилин-ган бўлса, 2024 йилда 2 баробар ошган. 2030 йилга бориб 10 баробар ортиши тахмин қилинмоқда. Сунъий интеллект технологиялари инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича 500 миллиард доллар, Европа Иттифоқи 200 мили-



ард долларни ўз ичига оладиган ҳужжат қабул қилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тар-моқларида сунъий интеллект техно-логияларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ундан фой-даланиш билан боғлиқ муносабатлар-нинг ҳуқуқий, технологик ва иқтисодий асосларни белгилаш борасида тизим-ли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Пре-зидентимизнинг бу борада 10 га яқин қарор ва фармонлари қабул қилинган. Шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам бу йўналишда муайян вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳол-да миллий қонунчилигимизга сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали юзага келадиган муносабат-ларни тартибга солиш, бунда фуқаро-

ларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфа-атларини химоя қилишга қаратилган қўшимча нормаларни киритиш зарура-ти вужудга келмоқда.

Чунки дунё бўйича сунъий интел-лект технологияларидан фойдаланиб, турли таҳдидлар юзага келмоқда. Та-ниқли шахсларнинг фото, видео ва аудио ёзувларини сохталаштириш 50 баробарга ошган. Ўзбекистонда ҳам 2023 йилда интернетда сунъий интел-лект орқали ишлов берилган 1 минг 129 та, 2024 йилда 3 минг 553 та ноқо-нуний материаллар тарқатилганлиги аниқланган.

Шу боис ҳам дастлабки қадам си-фатида “Ахборотлаштириш тўғриси-да”ги қонунга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга сунъий интел-лект технологияларидан фойдаланиш-нинг умумий асосларига оид қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Ху-

сусан, “сунъий интеллект” тушунчаси-га таъриф берилмоқда. Бу соҳада дав-лат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда махсус ваколатли органнинг ва-зифалари, ахборот ресурсларини яра-тишда ҳамда ахборот тизимлари ишида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг умумий қоидалари белгиланяпти.

Қонун лойиҳасида сунъий интел-лект технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган ахборот ресурсларига маркировка қўйиш талаби назарда ту-тилмоқда. Шунингдек, сунъий интел-лектдан фойдаланиб яратилган ахбо-рот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни, кадр-қим-мати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслигига оид талабни киритиш кўзда тутилляпти.

Бундан ташқари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигига алоқадор қарорларни қабул қилишда фақатгина сунъий ин-теллектдан фойдаланиб яратилган ах-борот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари хулосасига таянил-маслиги ҳам ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳасида сунъий интел-лект технологияларидан фойдалан-ган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш ва уни оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернетда тарқатганлиг учун жавобгарлик белгиланмоқда. Хусусан, мазкур ҳуқуқбузарлиқни содир этиш қуроллари мусодара қилиниб, ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз ба-раваргача миқдорда жарима солинади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун ло-йиҳасининг қабул қилиниши сунъий интеллектдан фойдаланишни янада ривожлантириш, турли соҳаларга жо-рий этиш учун шарт-шароитлар яра-тиш, уни қўллаш орқали юзага келади-ган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, сунъий интеллектдан фойда-ланган ҳолда шахсга доир маълумот-ларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш ва тарқатишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Сирдарёдан дараклар

Ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунаси

Беҳзод АХМАДКУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Гулистон туманининг Зарбдор ва Фурқат маҳаллаларида жойлашган оилавий шифокорлик пунктларининг аянчли ҳолати маҳалла аҳолисига бир қанча қийинчиликлар туғдирарди. Сифатли тиббий хизматлар кўрсатилишида етишмовчиликлар мавжуд эди. Беморларга етарли шароит яратилмагани, замонавий тиббий жиҳозларнинг етишмаслиги сабабли кўплаб фуқаролар зарур муолажаларни олиш учун узоқ масофага боришига тўғри келарди.

Шу сабабли, 2024 йилда маҳал-ла фуқаролари “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида фаол иштирок этиб, янги замонавий бинолар ва тиббий аппа-рат ҳамда жиҳозларга эга бўлишди. Бу ташаббус уларнинг ўз ҳаётларини ях-шилашга бўлган интилишлари нати-жаси бўлиб, ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлди.

Лойиҳа доирасида бир неча босқичда молиялаштириш амалга оширилди. Биринчи босқичда 1 мил-лиард 350 миллион сўмлик лойиҳа ғолиб деб топилиб, 12-оилавий по-ликлиника учун 500 миллион сўм, 14-оилавий поликлиника учун эса 650 миллион сўм, туман тиббиёт бирлашмаси администрация бино-сига 200 миллион сўм маблағ ажра-



тилди ва қайтадан таъмирланди. Шу-нингдек, иккинчи босқичда умумий қиймати 1 миллиард 354 миллион сўм фуқаролар ташаббуси ғолиб деб топилиб, тиббиёт бирлашмаси учун замонавий тиббий аппарат ва жиҳоз-лар харид қилинди ва барча тиббиёт муассасаларига талаб асосида тақ-симланди.

БСКлар фаолияти ўрганилди

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Янгигер шаҳрида жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи Бошқарув сервис компаниялари фаолияти ўрганилди.



Ўрганиш жараёнида илк манзил “Темурбек файз қурилиш таъмирлаш сервис” МЧЖ Бошқарув сервис ком-панияси бўлди. БСК томонидан 24/7 фаолият юритадиган авария-диспет-черлик хизматлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, амалга оши-рилган ишлар тўғрисида мулкдор-ларга берилаётган ҳисоботларнинг мукамал эмаслиги ва мулкдорлар-дан ундириладиган мажбурий бадал

тўловларини ундириш ишлари тўлиқ ташкил этилмаганлиги аниқлан-ди. Шунингдек, кейинги манзилда “Янгигер юкса-лиш таъмирлаш сервис” МЧЖ Бошқарув сервис компанияси ўрганилди. Ўрганиш жараёнида БСК томонидан 24/7 фаолият юритадиган авария-дис-петчерлик хизматлари етарли даражада йўлга қўйилмаган-лиги ва мулкдорлардан ундирила-диган мажбурий бадал тўловларини ундириш ишлари тўлиқ ташкил қи-линмаганлиги маълум бўлди.

Инспекция томонидан БСК раҳ-барларига аниқланган камчиликлар-ни қисқа муддат ичида бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқ ва кўр-сатмалар берилди.

Ноқонуний қурилишлар бартараф этилди

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Сирдарё тумани “Адолат” МФЙ Жаннат кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлар ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида ушбу кўча-да жойлашган 29- ва 30-сонли кўп қаватли уйлар атрофи мулкдорлар томонидан ўзбошимчилик билан ноқонуний равишда ўраб олингани аниқланди. Инспекция ходимлари 3 нафар фуқарога ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан кўп қаватли уй атрофини ўз ҳолатига қайтариш юза-сидан тегишли огоҳлантириш хатла-ри берилди. Фуқаролар томонидан ноқонуний қурилмалар бартараф



этилмаган тақдирда, бу иш юзасидан судга даъво аризалари киритилиши айтиб ўтилди.

“Мактаб учун минг китоб совға қилинг” лойиҳаси бошланди

Сирдарё вилояти ҳокимининг ташаббуси билан ёшлар ўртасида китобга бўлган қизиқишни ошириш ва мактабларнинг кутубхона фондини бойитиш мақсадида “Мактаб учун минг китоб совға қилинг” лойиҳасига старт берилди.



Мазкур лойиҳа доирасида Сир-дарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Д.Рўзमतов ўзи тахсил олган Гулистон шаҳар “Баҳор” МФИда жой-лашган 14-сонли умумтаълим макта-бига бориб, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари ҳамда қурилиш соҳасига оид китоблар тўпламини тақдим этди.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориши
тартибида ўтказиладиган
электрон-онлайн очик аукцион
савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 27 мартдаги 4-1001-2213/70662-сонли иқтисодий иш қарорига асосан тугатилаётган **“SOLIN YO‘L”** МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2025 йил 17 апрелдаги 01/32-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти Андижон шаҳар, “Ишчилар” МФЙ, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 27-уй манзилида жойлашган нотурар бино, қозонхона бино иншоотлари. **Умумий майдони** – 102,72 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 79,80 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 102,72 квадрат метрдан иборат кадастр рақами 17:15:43:01:02:0241, 17:15:43:01:02:00731 бўлган аҳолига хизмат кўрсатиш биноси. **Бошланғич баҳоси** –42 939 994,28 сўм.

2. Андижон вилояти Андижон шаҳар, “Мирпўстин” МФЙ, Майбoғча кўчаси, 116-“а” уй манзилида жойлашган нотурар бино, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчаси. **Умумий майдони** – 135,52 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 110,75 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 135,52 квадрат метрдан иборат кадастр рақами 17:15:44:01:01:0345, 17:15:44:01:01:00986 бўлган аҳолига хизмат кўрсатиш биноси. **Бошланғич баҳоси** – 59 231 353,22 сўм.

Аукцион савдо 2025 йил 20 май куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2025 йил 19 май куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2025 йил 20 май куни сотилмаган тақдирда, тақорий электрон-онлайн савдолар 2025 йил 1 мартгаба 15 кун оралиғида тақорорий ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Тақорорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириғи муддати бир иш куни олдин соат 18.00 гача.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўланади: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 71-237-23-82.

“QASHQADARYO TECHNOLOGIK TRANSPORT” АЖнинг
2025 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий стандартлари асосида ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш, СМК ҳамда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил аудит ташкилотларга танлов бошланганини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда қатнашмоқчи бўлган аудиторлик ташкилотлари **2025 йил 16 апрелдан 27 апрелга** қадар жамият бошқарув кенгашига ўз тижорат тақлифларини тақдим этишлари лозим.

Қўйиладиган талаблар:

- аудит ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, почта манзили, телефон алоқа рақами тўғрисидаги маълумотлар;
- лицензиялар, раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри, суғурта полиси, давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланган нусхалари;
- шартнома предмети, ариза берувчининг юридик шахслар фаолиятининг умумий аудитни ўтказиш тажрибаси. Устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини мажбурий текширишларининг сонини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг имзоси ва аудит ташкилотининг муҳри билан тасдиқланган тижорат таклифи;
- раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар, жумладан мутахассисларнинг таркиби ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, аудиторлик ташкилотда меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган халқаро ва бошқа сертификатларга эга бўлган ходимлар сони;

Бошқарув кенгаши.

ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!
Тошкент вилояти
Паркент туманида қурилиш
режалаштирилган замонавий
меҳмонхона лойиҳаси учун
мастер-режа ишлаб чиқишга
лойиҳа ташкилотини танлаб
олиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН
ҚИЛИНАДИ!

Мастер-режа ишлаб чиқиш лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш истағида бўлган ташкилотларнинг таклифлари қабул қилинишини маълум қиламиз.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов қолиби сифатида танланади.

Таклифлар 2025 йил 23 апрелга қадар Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 52-“в” уй манзилида “Chimgan Residence” МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 88-198-78-48.
Электрон почта: psb_capital@mail.ru

“ZOMIN PASK KING” МЧЖ
Сирдарё вилояти Сардоба
туманида мева-сабзавотларни
қадоклаш учун қоғоз қути
ишлаб чиқариш цехи бино-
иншоотлари объектини барпо
этиш мақсадида, қурилиш-
монтаж ишларини амалга
ошириш учун лойиҳачи ва
бош пудратчи ташкилотларни
танлаб олиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН
ҚИЛАДИ!

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш юзасидан танловда иштирок этиш истағида бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинади.

Энг самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов қолиби сифатида танланади.

Таклифлар 2025 йил 21 апрелга қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй манзилида қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 90-920-00-83, 99-781-58-74.

"O‘zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi"
акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли
лойиҳалар миллий агентлигининг лицензияси
2024 йил 01 июлдаги № 310321
Манзил: 100115 Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Катта Чилонзор-1, 4-уй

2024 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА БАЛАНС
(минг сўм)

АКТИВЛАР	
Узоқ муддатли активлар	19 920 203
Пул маблағлари	797 670
Қисқа муддатли инвестициялар	19 946 024
Дебитор қарздорликлар	5 711 643
Бошқа активлар	862 293
Баланс активи бўйича жами:	47 237 833
ПАССИВЛАР	
Устав капитали	25 000 000
Захира капитали	660 332
Суғурта заҳиралари	22 401 568
Қайта суғурталовчиларнинг суғурта заҳираларидаги улуши	1 426
Ҳисоб-китоблар	357 226
Тақсимланмаган фойда	(1 179 867)
Баланс пассиви бўйича жами:	47 237 833

2024 ЙИЛ УЧУН МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР
БЎЙИЧА ҲИСОБОТ
(минг сўм)

Суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум	6 116 906
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	6 427 351
Суғурта тўловлари	20 041 969
Харажатлар жами	23 758 801
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	(1 214 544)
Фойда солиғи	-
Ҳисобот даврнинг соф фойдаси (зарари)	(1 214 544)

Компаниянинг 2024 йил тўлиқ ҳисоботи билан www.uzhayot.uz веб сайти орқали танишиш мумкин.

Молиявий ҳисоботларнинг ишончлиги
МЧЖ “ТЕЗКОР-МАЛАКА-НАТИЈА” аудиторлик ташкилоти
(Yakkasaroʻy tumani Davlat Xizmatlari Markazining 2023 yil 23 avgustdagi 2249116-sonli guvohnomasi)

ЎТМОИY-IQTISODIY GAZETA
**O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Мақкамов
Мусакхҳ	Марҳамат Муслимонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзГАШҚЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУҲБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 441.
2047 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Ҳўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎЗА якуни – 21.00.
Топиширилди – 05.20.

123456